Наший пасмда
4 - МАЙ 1992

Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар рўзномаси

Рўзнома 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 73 (8. 815) ◆ 1992 йил ◆ 13 апрель, душанба ◆ Нархи 1 сўм

УНУМДОР УСКУНА

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигини юритиш жуда қийин бўлиб қолди. Сабаби уларга керак бўладиган уруғ ва ўғитларнинг нархи жуда ошиб кетди. Лекин қишлоқ меҳнаткашларини ўйлантираётган муаммолардан бири жойларда замонавий техниканинг етишмаслигидадир.

Яқинда шаҳримиздаги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси қошидаги Марказий конструкторлик ва технология бюроси илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи ва хизматчилари бу муаммони бирмунча бўлса ҳам ечишга муваффақ бўлишди. Улар бетон қориш ҳамда трактор ёрдамида тепага сув чиқариш дастгоҳини лойиҳалаштиришни тугалладилар. Бу ускуна катта бўлмаган хўжаликлар учун анча қулай.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, корхонада лойиҳалаштирилган ҳар бир дастгоҳ ёки бошқа янгиликлар тезда ишлаб чиқаришга жорий этилади. Юқоридаги ускуналар билан ҳам шундай бўлди. Уни лойиҳалаш ишлари тугалланиши билан тезда цехларнинг бирида бу насос станцияси йиғила бошланди. Бу ишда ўз касбини пухта эгаллаб олган Валерий Потоханов, Евгений Колчин хизматлари катта бўлди. Ишчилар ҳозир ана шу янги дастгоҳларни ишлаб чиқаришда айниқса сифатига эътибор беришмоқда. Айни пайтда мижозлар деҳқонлар учун ҳар томонлама ихчам бўлган маҳсулотларнинг биринчи гуруҳини олишди.

Ғулом ЮСУПОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ САУДИЯ АРАБИСТОНИГА ТАШРИФИ

1992 йил 11 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги делегация расмий ташриф билан Саудия Арабистони подшолигига жўнаб кетди. Ислом Каримов ва делегация аъзоларини Тошкент тайёрагоҳида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Шавкат Йўлдошев, Бош вазир Абдулҳошим Муталов, Тошкент шаҳар Ҳокими Атҳамбек Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги делегация тушган тайёра Жидда шаҳридаги Абдул Азиз номли халқаро тайёрагоҳга келиб қўнди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва республика давлат делегацияси аъзоларини Саудия Арабистони подшоси Фахд бин Абдил Азиз ал Сауд, бош вазирнинг иккинчи ўринбосари, Саудия мудофаа вазири Амир Султон бин Абдул Азиз, давлат вазири Муҳаммад Иброҳим Маъсуд, Жидда шаҳри ҳокими Ҳамид Абдул Ғани ҳамда бошқа амирлар, вазирлар кутиб олдилар.

Тайёрагоҳда Ўзбекистон ва Саудия Арабистони байроқлари ҳилпираб турди, Ўзбекистон ва Саудия Арабистони гимнлари янгради, фахрий қоровул саф тортди.

Кейин Ислом Каримов ва делегация аъзолари конгресслар саройига жойлашдилар. Бу ерда Ислом Каримов Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири Сауд ал Файсал ал Сауд бин Абдул Азизни қабул қилди ва у билан суҳбатлашди. Сўнгра Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Ислом тараққиёт банкининг президенти шайх Аҳмад Муҳаммад Амин билан учрашди. Кечқурун Саудия Арабистони подшоси Фахд бин Абдил Азиз ал Сауд ўзининг «Ассалом» қасрида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шарафига зиёфат уюштирди. Унда Саудия Арабистони томонидан бош вазирнинг иккинчи ўринбосари, Саудия мудофаа вазири, Амир Султон бин Абдул Азиз, Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири Сауд ал Файсал ал Сауд бин Абдул Азиз ва бошқа расмий кишилар қатнашишди. Ўзбекистон томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Раҳим Ражабов, республика ташқи ишлар вазири Убайдулла Абдураззоқов, Мовароуннаҳр мусулмонлари идорасининг раиси, муфти Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари, Бухоро вилоятининг ҳокими Дамир Ёдгоров, Ўзбекистон давлат банки бошқарувининг раиси Файзулла Муллажонов, расмий делегациянинг бошқа аъзолари, шунингдек давлат маслаҳатчиси Шаҳобиддин Зиёмов иштирок этдилар. Зиёфатдан сўнг Саудия Арабистони подшоси Фахд бин Абдил Азиз ал Сауд билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўртасида ўзаро суҳбат бўлиб ўтди.

Кеча 12 апрелда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Убайдулла Абдураззоқов билан Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири Сауд ал Файсал ал Сауд бин Абдул Азиз ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Кеча куннинг иккинчи ярмида Ислом Каримов ва Ўзбекистон делегацияси аъзолари Мекка шаҳрига йўл олишди.

** Тошкент шаҳар Ҳокими ижроия маҳкамасида*

ТЯНЬЦЗИНДАН КЕЛГАН МЕҲМОНЛАР

ТОШКЕНТ шаҳар Ҳокимининг таклифига биноан республика пойтахтига Тяньцзинь шаҳри мэриясининг вице-мэр Ли Шэн линь бошчилигидаги делегацияси келди. Унинг таркибида ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо комитети, ташқи савдо бошқармаси, тижорат комитети вакиллари, мэрия ходимлари бор.

Ўтган жума куни Тошкент шаҳар Ҳокими ижроия маҳкамасида Тошкент шаҳрининг Ҳокими Атҳамбек Фозилбеков Тяньцзиндан келган делегацияни қабул қилди.

У меҳмонларни муборакбод этиб шундай деди:

— Сизнинг делегациянгиз республика пойтахти билан танишиш, сизларни қизиқтираётган раҳбарлар билан учрашиш имкониятига эгадирлар. Мустақил давлат пойтахтининг қурилиш индустриясига оид муаммолари ҳам борки биз бу борада ҳам сизлар билан мулоқотда бўламиз. Биз шунингдек қўшма корхоналар ташкил этиш масалаларини ҳам ҳал этишимиз мумкин. Бинобарин, бу борада ҳам муайян тажрибаларга эгамиз. Гапнинг индаллосини айтганда иқтисодиётнинг ҳар қандай йўналишларида ўзаро манфаатли шароитларда ҳамкорлик қилишимиз мумкин. Бизнинг мутахассисларимиз мол алмашиш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳам муҳокама этишга тайёрдирлар.

Камина Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси ҳукумат делегацияси таркибида Хитой Халқ Республикасига ташриф буюрганлардан. Ўйлайманки, бизларда халқларимиз ўртасида кўпгина муштаракликлар бор. Халқларимизда кўзга ташланадиган энг муҳим фазилат — бу уларнинг меҳнатсеварлигидир. Кейинги ўн йил мобайнида сизларнинг иқтисодиёт соҳасида тўплаган тажрибаларингиз бизларда жуда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Айниқса биз ҳозир ҳаракат қилаётган бозорга ўтиш борасида тўплаган тажрибаларингиз жуда ҳам қизиқарлидир. Ўйлайманки, дўстона қўшничилик муносабатларининг ўрнатилиши, сизларнинг Тошкентда бўлишингиз амалий алоқаларни ривожлантиришда янги саҳифа очади.

Атҳамбек Фозилбеков вице-мэр Ли Шэн линга ва делегация аъзоларига Тяньцзинь шаҳрига расмий равишда ташрифга таклиф қилганликлари учун миннатдорчилик билдирди.

Делегация бошлиғи Ли Шэн линь Тяньцзинь тўғрисида сўзлаб берди. Бу Шимолий Хитойдаги йирик саноат ва савдо марказидир. Бу шаҳар денгиздан 45 километр узоқликда жойлашган. Бу ерда темир йўл ва автомагистраллар сув йўллари билан кесишади, бу нарса Хитойнинг савдо-транспорт марказида муҳим аҳамият касб этади. Шаҳар аҳолиси 8,7 миллион кишидир. Пекин ва Тяньцзинни (у Хитой пойтахтидан бор-йўғи 130 километр узоқликда) автомагистраль бир-бири билан боғлайди. Шаҳарда тўқимачилик саноати яхши ривожланган, турли техник жиҳозлар ишлаб чиқарилади.

— Бизлар ўзаро манфаатли асосларда иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга пойдевор қўймоқчимиз, — деди Ли Шэн линь, — бу билан икки шаҳарлар аҳолиси ўртасида алоқалар ўрнатишга кўмаклашмоқчимиз.

Тяньцзинь мэриясидан келган делегация Тошкентда бир неча кун бўлади, кейин делегация Душанбе ва Олмаотага боради.

Эътибор АББОСОВА.

СУРАТДА: Тошкент шаҳар Ҳокими ижроия маҳкамасидаги қабул пайти.

Рустам Шарипов сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори

КРЕДИТ МАБЛАҒЛАР АЖРАТИШ ТЎҒРИСИДА

Нарх-наво ошиб, кредит маблағлари тақчиллашиб бораётган шароитда республика халқ хўжалигининг бир маромда ишлаши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш, кўпчилик корхоналар ва ташкилотларнинг тўловидаги ўткир тангликни ва уларнинг ҳисобкитобларидаги кескинликни бартараф этиш, кўкламги дала ишларини ўз вақтида ўтказиш ҳамда аҳолини озиқ-овқат ва халқ истеъмоли моллари билан барқарор таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Давлат банкига устивор тармоқларни, аввало деҳқончилик-саноат мажмуини, саноат, қурилиш, савдо ва таъминловчи-сотувчи ташкилотларнинг базавий тармоқларини кредит билан таъминлаш учун қатъий талабларга риоя этилган ҳолда аниқ мақсадни кўзлаб 9 миллиард сўм ҳажмида қўшимча кредит маблағлар ажратиш тавсия қилинсин.

Мазкур кредит маблағлар меёридан ташқари, ортиқча заҳираларни сотишдан, товар-моддий бойликларни қайта баҳолашдан ва ҳисоб-китоблар муддатини қисқартиришдан тушадиган маблағлар ҳисобидан Ўзбекистон деҳқончилик-саноат банкига 5 миллиард сўм ва Ўзбекистон саноат-қурилиш банкига 4 миллиард сўм берилсин.

Биринчи навбатда республиканинг маҳсулот етказиб берувчиларига қарзни узиш учун ҳақ тўланиши белгилаб қўйилсин.

2. Иш ҳақини тўлаш ва етказиб берилаётган техника, товар-моддий бойликлар, бажарилган ишлар ҳамда қишлоқ хўжалигига кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоблар ҳақини тўлашга Ўзбекистон деҳқончилик саноат банки аниқ мақсадни кўзлаб 2,1 миллиард сўмгача, деҳқончилик-саноат мажмуининг қайта ишлаш тармоқларига — 0,5 миллиард сўм, матлубот кооперациясининг ташкилотларига —1,0 миллиард сўм, таъминлашсотиш ташкилотларига —0,7 миллиард сўм, қурилиш ташкилотларига — 0,7 миллиард сўм кредит берсин.

3. Ўзбекистон саноат-қурилиш банки 4 миллиард сўм миқдорида, шулардан: савдо ташкилотларига 1,3 миллиард сўмгача, «Ўзбекнефть» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат комитетига — 0,5 миллиард сўм, химия саноати, машинасозлик ва металлургия корхоналарига — 0,95 миллиард сўм, таъминлаш-сотиш ташкилотларига — 0,25 миллиард сўм, қурилиш ташкилотларига — 1,0 миллиард сўм кредит берсин.

4. Республика вазирликлари ва идоралари дебит-кредит бўйича қарздорликни текшириб тўғрилаш ва уни камайтириш борасида бир ой муддат ичида тегишли ишларни амалга оширишлари ҳамда ўзларига қарашли корхоналар ва ташкилотларнинг тўлов қобилияти қай ҳолатда эканлиги тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига маълум қилишлари зарур.

5. Ўзбекистон деҳқончилик-саноат банки (ўртоқ Аҳадов), Ўзбекистон саноат-қурилиш банки (ўртоқ Азимов) ўзлари хизмат кўрсатаётган халқ хўжалик тармоқларининг банк кредитларига бўлган эҳтиёжлари ўз вақтида аниқланишини таъминласинлар ҳамда маблағларни сафарбар этиш юзасидан таъсирчан чораларни кўрсинлар.

6. Ўзбекистон Давлат банкига Ўзбекистон деҳқончилик-саноат банки ва Ўзбекистон саноат-қурилиш банки билан биргаликда ушбу қарорнинг бажарилишини ҳисобга олиб, халқ хўжалигидаги ҳисоб-китобларнинг аҳволи тўғрисида шу йилнинг июль ойида республика ҳукуматига ахборот бериш таклиф қилинсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

** Ўзбекистон Бош вазирининг матбуот конференцияси*

ЭГНИМИЗ БУТ, ҚОРНИМИЗ ТЎҚ

бўлиши учун нима қилишимиз керак?

БОЗОР иқтисодиёти шароитида, нарх-наволар осмонга ҳаддан ташқари сакраб кетган ҳозирги вақтда ҳар биримизнинг хаёлимиздан бундан буён нима бўлади, деган савол тез-тез ўтадиган бўлиб қолди. Бинобарин мустақилликка эришган республикамизнинг ҳар бир фуқароси мустақиллик тагида катта гап, катта меҳнат ётганлигини тобора чуқур ҳис этмоқдалар, унинг қуруқ сўз билан бўлмаслигини тобора яққол англамоқдалар. Ўтган шанбада, 11 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулҳошим Муталов ҳузурида бўлиб ўтган матбуот конференциясига таклиф этилган оммавий ахборот воситаларининг, Ўзбекистон давлат телерадиокомпаниясининг, Ўзбекистон Давлат матбуот комитетининг, республика Журналистлар уюшмаси бошқарувининг раҳбарлари, Москвада чоп этилаётган рўзномаларнинг мухбирлари ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини ҳимоя қилиш борасида республикамизда қилинаётган амалий ишлар, Ўзбекистоннинг 21 миллион аҳолисини кийинтириш, уни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасида белгиланаётган чора-тадбирлардан хабардор бўлдилар. Хўш, бунга қандай йўллар билан эришиляпти, ҳар куни дуч келинаётган муаммоларни ечиш учун амалий жиҳатдан нималар қилиняпти?

Энг аввало ҳар кунги ризқ-рўзимиз бўлган нонимиз ҳақида икки оғиз сўз. 6 миллион 200 минг тонна дон республикамизнинг йиллик эҳтиёжидир. Шундан 4 миллион тоннаси ун қилинади. 550 минг тонна қанд-шакар, 450 минг тонна гўшт, 19 минг тонна сут, 53 минг тонна маргарин, 73 минг тонна сариёғ, 50 минг тонна гўшт консервалари, 35 минг тонна турли ёрмалар, 315 минг тонна гуруч, 31 минг тонна чой ишлатамиз, 300 миллион дона сигарет чекамиз ва ҳоказо.

— Илгари собиқ Иттифоқ пайтида бирор нарса керак бўлса, шуни айтсак бизга дарров ҳозиру нозир этишарди, — дейди Бош вазир. — Ҳозирчи? Ҳозир ҳамма республикалар мустақилликка эришди. Шундай бўлгач, ҳар бир мустақил давлат ўз таъминотини ўз бўйнига олди. Биз ҳам 21 миллионлик халқимиз эгнини бут, қорнини тўқ қилиш учун бор чораларни кўрмоқдамиз. Хўш, булар нималар эвазига бўляпти? Рўзномаларда қачонгача биз пахтамизни бошқа маҳсулотларга алмаштираверамиз, деган танқидий гаплар ҳам айтилди. Маълумки, ҳозир биз бир йилда 1,5 миллион тонна пахта толаси беряпмиз. Шунинг 177 минг тоннасини ўзимиз ишлатяпмиз. Бельгия, Туркия фирмалари билан бу борада алоқалар боғлаяпмиз. Мустақил Ўзбекистонимиз чет эл давлатлари билан савдо-сотиқ бўйича шартномалар имзолади. Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг Ҳиндистон, Хитой, Туркияга, Бош вазирнинг Венгрия Республикасига қилган расмий сафарлари чоғида шундай аҳдномаларга эришилди. Беларусь, Украина, Россия Федерацияси, ўзимизга қўшни бўлган давлатлар билан ҳам бу борадаги ишларимиз натижа беради. Биз эндиликда технологияни олиб келишни ўйлаяпмиз.

Хорижий эллардан келаётган инсонпарварлик ёрдами ҳақида гапириш жуда ҳам ўринлидир. Биргина Туркия Республикасининг ўзи бизга 1 миллиард 730 миллион сўмлик кредит беряпти. Шунинг 1 миллиард 100 миллион сўмини инвестицияга ишлатамиз. Бундан ташқари четдан технологик жиҳозларни олиб келиб, бюджет масалаларини ҳал этиш, халқни ишга жалб этиш муаммоларини ҳал этамиз.

— Бинобарин, биз, — деб таъкидлади Бош вазир, — 62 фоиз маҳсулотни четдан келтираётган эканмиз, бу масалада ўзимиздаги саноат корхоналари раҳбарларидан келтирилаётган қайси хил маҳсулотни тайёрлашга қурби етишини ҳам сўрамоқчимиз. Биз кўпинча оёғимизнинг тагидаги нарсаларни кўрмаймиз. Бойликнинг устида юриб камбағаллашиб қоламиз. Энг муҳими, ҳозирги шароитда тадбиркорликка кенг йўл бериб, кичик корхоналар фаолиятини кенгайтиришимиз, улар меҳнатини кўрсатишимиз ва рағбатлантиришимиз керак, токи у ўз меҳнати маҳсулидан севинсин. Бу билан биз халқни ҳимоя қилган бўламиз. Бинобарин бозор иқтисодиёти шароитида етти ўлчаб бир кесмоғимиз, чуқур ўйлаб иш тутмоғимиз даркор. Агар ҳар биримиз бир жон, бир тан бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб хизмат қилсак ўйлаган режалар, албатта амалга ошади. Асосий белгиланган йўлдан бирга, қўлни-қўлга берган ҳолда кетсак, ҳақиқий иқтисодий мустақилликка эришсак биз чин маънодаги мустақилликка эришган бўламиз, халқнинг андишалилиги, меҳр-муҳаббати орқали ҳаётимиздаги қийинчиликлар ортда қолади.

Матбуот конференцияси охирида Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Абдулҳошим Муталов журналистларнинг бир қанча саволларига жавоб қайтарди. Бундай ошкора мулоқот-учрашувларни келгусида мунтазам равишда ўтказиб туриш ҳақида сўз борди.

Матбуот конференциясида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Эркин Самандаров иштирок этди.

Солиҳ ЕҚУБОВ.

Бугунги кун нафаси

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

⊙ Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Комитети шу йил август ойи охири — сентябрь ойи бошларида Тошкентда ёш ватандошлар умумжаҳон анжуманини ўтказиш тадбуси билан чиқди. Унга Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳамда хорижда яшаётган ёш ўзбекларни таклиф этиш кўзда тутиляпти.

⊙ Самарқанд шаҳар ҳокимлигида шаҳарда Улуғбек маданий маркази энг яхши лойиҳаси учун халқаро танлов ғолибларини шарафлаш маросими ўтказилди. Ҳамдўстлик ҳамда Ўзбекистон меъморлар уюшмалари томонидан Оға Хон маданий жамғармаси ҳомийлигида ўтказилган бу танловга 68 мамлакатдан 686 та лойиҳа тушди. Франциялик Патрик Бергер ва Франк Ноу, Англиянинг 333-студия, Японияннинг Охно лабораторияси, Москванинг АРКСИМ ҳамда АҚШнинг Фарух Йорғаноиоғлу ва Кайя Арикоглу лойиҳалари бу танлов ғолиблари деб топилди. Уларнинг ҳар бирига 30 минг АҚШ долларидан мукофот берилди.

⊙ Сурхондарё вилояти билан Афғонистон қўшни вилоятлари ўртасида имзоланган маданий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага мувофиқ Денов, Сариосиё, Узун ва Термизда Жаузжон вилояти Алишер Навоий номидаги маданий жамиятининг таниқли санъаткорлари концертлар қўйиб бердилар.

⊙ Октябрь районидаги 41-мактаб ўқувчиси Мурод Иногомов иқтидорли болалар биринчи жумҳурият слётининг ғолиби деб топилди. Унинг келажак шаҳри лойиҳаси ҳайъат томонидан ана шундай юқори баҳоланди.

⊙ Футбол. Ўзбекистон Республикаси кубоги. «Трактор» (Тошкент) — «Пахтакор» — 2:1.

ҲАМДЎСТЛИКДА

⊙ Россия халқ депутатлари съездида олти кун давом этган кескин мунозара ва баҳслардан сўнг кўпчиликни қониқтирган қарорга келинди. Съезд Президент Борис Ельцинга уч ой муддат давомида ҳукуматга раҳбарлик қилиш ва ҳукумат аъзоларини шахсан танлаш ва алмаштириш ҳуқуқини берди. Борис Ельцин ўзига олти ой муддатга ана шундай ваколатлар берилишини сўраган эди. Шунинг учун шарҳловчилар съездда қабул қилинган қарорни муайян даражада Президентнинг мағлубияти, деб баҳолаяптилар.

⊙ Шу йилнинг биринчи чорагида Россия бюджетининг камомади 19,2 миллиард сўмни ташкил этди.

⊙ Ашхободда Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари сув хўжалигини мувофиқлаштириш давлатлараро комиссиясининг мажлисида Амударё ва Сирдарё сувларини тақсимлаш ҳамда Оролни қутқариш муаммолари муҳокама этилди. Комиссия қарорига кўра бу йил Оролга Амударё ва Сирдарёдан, шунингдек коллекторлардан 14 миллиард куб сув етказиб берилади.

⊙ Душанбе пайпоқ фабрикасининг жамоаси Тожикистонда биринчи бўлиб ўз корхонасининг ҳақиқий эгалари бўлди. Бу меҳнат жамоаси ўз шахсий маблағлари ҳамда банкдан олинган қарз ҳисобига корхонани сотиб олди.

ХОРИЖДА

⊙ 9 апрелда Англия парламентига ўтказилган сайловларда консерваторлар партияси кетма-кет тўртинчи марта ғалаба қозонди. Партия етакчиси бош вазир Жон Мейжор яна ҳукуматга бошчилик қиладиган бўлди.

⊙ Япония ташқи ишлар вазирлиги АН-12 разведка самолёти Япония ҳаво ҳудудини бузганлиги муносабати билан Россия элчихонасига расмий норозилик билдирди.

⊙ Майами суди Панаманинг собиқ раҳбари Мануэль Антонио Норьегани жиноий жавобгарликда айбдор деб топди. У қилмишлари учун 120 йил муддат қамоқ жазосига ҳукм этилиши мумкин.

⊙ Афғонистон ташқи ишлар вазири Абдул Вакил мамлакат ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Афғонистон муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш бўйича ишлаб чиққан режани қабул қилишга тайёрлигини айтди. Мужоҳидлар гуруҳларининг кўпчилиги ҳам бу режани маъқуллашларини билдирдилар.

Юлия Юн шаҳримиздаги Тошкент тўқимачилик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасида бир неча йилдан бери самарали меҳнат қилиб келади. Шу муддат давомида у сифатли маҳсулот тайёрлаш билан ўз ҳамкасбларига ибрат бўлиб келмоқда. Шу кунларда бу пешқадам ишчи меҳнат қилаётган жамоа корхонанинг энг пешқадам ишлаб чиқаришларидан бири саналади.

СУРАТДА: Юлия Юн иш устида.

Александр Хачатурян сурати.

Кийимларни бичаётганда катта аниқлик билан ишлаш керак бўлади. Октябрь 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси 1-бўлими хизматчилари бу қондага қатъий риоя қилишади. Сиз суратда кўриб турган Марям Аристомбоева сифатли иш бажаришда ҳамкасбларига намуна бўлмоқда. У ўн икки йилдирки, ўз ишига масъулиятни ҳис қилган ҳолда ёндошиб келади.

** Бозор иқтисодиёти ва ҳаёт*

МОДДИЙ МАНФААТДОРЛИК ОШГАЧ

Шаҳар электр транспорти хўжаликларида ходимлар малакасини ошириш, қобилиятли, ишбилармон ёшларни тарбиялашга алоҳида эътибор берилмоқда. Жамоатчи мухбиримизнинг шаҳар трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Мухторбек Қодирбеков билан суҳбати шу мавзуга бағишлангандир.

— Малакали ходимларни авайлаш, улар ўртасида порокандалик ва қўнимсизликка йўл бермаслик бугун муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг учун энг аввало ҳар бир электр транспортчининг оғир ва енгилдан хабардор бўлиб туриш лозим. Ҳозир бошқармамизда белгиланган 8043 киши ўрнига 5831 электр транспортчиси меҳнат қилмоқда. Кўриб турибсизки, штатлар тўлиқ эмас. Бунинг биринчи сабаби маошнинг етарли эмаслигида эди. Шу сабаб кўпчилик ишчилар ишдан бўшашди. Айниқса ёш мутахассис ва таъмирловчиларнинг йўқотилиши корхонага қимматга тушмоқда. Яширишнинг ҳожати йўқ. Биргина ўтган йилнинг ўзида 1546 киши ишга қабул қилиниб, 1482 мутахассис турли сабабларга кўра жамоамиздан кетди. Олдимизда бу порокандаликка барҳам беришдек муҳим вазифа кўндаланг бўлиб турарди. Ишчилар қўнимсизлигини бартараф этишнинг кечиктириб бўлмас чоратадбирларини қидирдик. Бунинг учун биринчи навбатда ишчиларнинг ойлигини оширишга қарор қилдик. Натижада шу йилнинг январь ойидан бошлаб электр транспортчиларининг ойлик маоши 2—2,5 баравар ошди. Оддий ҳайдовчилар 2500 — 2600 сўмдан, таъмирловчилар эса 1300—1800 сўм атрофида ҳақ оладиган бўлди. Кейинги икки ойнинг ўзида 353 киши сафимизга келиб қўшилганлиги моддий манфаатдорлик омилининг дастлабки самарасини кўрсатди.

Иккинчидан, корхонада меҳнат қилувчиларга қулай шароитлар яратилди. Ўн ва ўн беш йиллик меҳнат фаолиятига эга бўлган аёллар 50, эркаклар эса 55 ёшдан қарилик таътилига кузатиладиган бўлдилар. Даволаш масканимизни замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозладик. Шифохонамизда мунтазам ишлайдиган 5 та бўлим қарор топди. 22 та шифокор ва 23 та ҳамшира электр транспортчиларининг соғлиғини назорат қилиш ишига жалб этилди. Турли бўлимларда тиббиёт билимини чуқур эгаллаган малакали шифокорлар ишлай бошладилар.

Учинчидан, корхона қошидаги спорт базаси фаолиятини кучайтиришга киришдик. «Қизил шарқчилар» манзилгоҳидаги спорт иншоотлари таъмирланиб, малакали мутахассислар ишга жалб этилди. Айниқса, футбол командамизни мустаҳкамлашга катта куч сарфладик. Ишчиларнинг турли шаҳарларга саёҳат қилишлари, санаторийларда соғлиқларини тиклаш, дам олиш уйларида ҳордиқ чиқаришларига эътибор кучайди. Сирдарё соҳилига жойлашган дам олиш зонамиз қайта таркиб топди. 720 кичкинтойга мўлжалланган «Ўзбекистон 25 йиллиги» кашшофлар масканида катта тадбирий ишлар олиб борилди. Кўп ўринли болалар боғчаси ва яслилари электр транспортчилари ихтиёрига берилди.

Яшаш ва ишлаш учун тўлиқ имконият яратилгандан кейин транспорт хизматчиларининг иш унуми сезиларли даражада ошди, қўнимсизлик кескин камайди. Ётоқхоналарда истиқомат қилаётганларга ҳам яхши яшаш ва дам олиш учун зарур бўлган шароитлар яратилди. Ҳозир бошқармага қарашли ётоқхоналарда 1900 киши истиқомат қилади. 8 та ётоқхонанинг таянч жойларида навбатчи кўнгиллилар тартиб ва интизом ўрнатиш билан бирга, ёшлар тарбиясига ҳам жиддий эътибор беришади.

Ёшларни кўпроқ ишга жалб этиш мақсадида уларга электр транспорти мутахассислигини ўргатишга ҳам эътибор кучайтирилмоқда. Айниқса бу борада Тошкент коммунал-қурилиш техникуми самарали фаолият кўрсатмоқда. Унда ташкил этилган «Шаҳар электр транспорти тасарруфи, таъмирлаш ва уни энергия билан таъминлаш» бўлими ўтган йилнинг ўзида 25 мутахассисни тайёрлаб берди. Улар ҳозирда бошқарма корхоналарида турли лавозимларда ишлашяпти.

Бошқарманинг ўқув комбинати ҳар 6 ойда ҳайдовчиларнинг катта бир гуруҳини тайёрлаб беради. Ёшлар ўқиш даврида 340 сўм миқдорида стипендия оладилар. Шунингдек 23-техника билим юрти манзилгоҳида ҳам ҳайдовчилик курслари фаол ишлаб турибди.

Мутахассисларга бўлган эҳтиёжнинг ўсиши туфайли Тошкент темир йўл муҳандислари олийгоҳи шу йилнинг сентябридан бошлаб ўзининг кундузги ва сиртқи бўлимларида шаҳар электр қуввати транспортидан фойдаланиш ва таъмирлаш бўйича ихтисосликка қабул эълон қилади. Биринчи курсдан бошлабоқ талабалар бошқа фанлар қаторида электр транспортининг ҳаракатланувчи таркибий тузилишини ўрганадилар.

Кўпинча бизга меҳнаткашлардан, баъзи бир электр транспортларининг аниқ маромда ишламаётганлиги ҳақидаги шикоятлар тушади. Биз бу мактубларни текшириб, чора кўрамиз. Ўша айтилган йўналишларда ҳаракат мунтазамлигини йўлга қўйишга киришамиз. Маълумки, транспортларнинг пухта ишлаши кўп жиҳатдан ходимларнинг аниқ иш юритишига боғлиқ. Ҳайдовчилар ҳар куни 700—800 минг йўловчиларни эсон-омон ўз манзилларига етиб олишларига жавобгардирлар. Транспорт қанчалик пухта ва аниқ ҳаракат қилса, йўловчилар кайфияти ҳам шунчалик яхши, иш унуми эса баракали бўлади. Буни яхши тушунган ҳайдовчиларимиз хизмат маданиятини оширишга эътибор беришмоқда.

Албатта, тартиб-интизом қарор топган жойда меҳнат қонунлари бузилмайди. Қолаверса бу борада ёшларга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган транспорт ходими Сувон Усмонов, қўш орденли Файзулла Алимов, Ҳайрулла Рўзиев, Шавкат Умаров, Евгения Хромушина, миллион чақирим масофани хатарсиз босиб ўтган Эргаш Ниёзалиев, Нина Мочалина, Ҳаким Содиқўжаев, Насиба Абдулхаевалар ибрат кўрсатишмоқда.

Шаҳримизнинг кенгайиши муносабати билан янгиянги йўналишлар ишга туширилаяпти. Троллейбус линиялари, трамвай йўллари бунёд этилади. Уларни ходимлар билан тўлдириш мақсадида бор имкониятларни ишга соламиз.

Фаттоҳ АБДУРАҲИМОВ.

Оилавий сулола бригада аъзолари Рафиқ, Муршида, Аҳмад Рафиқовларнинг номини Тошкент тажриба-экспериментал заводида ҳурмат билан тилга олишади. Сулоланинг умумий меҳнат фаолияти бугунги кунга келиб 50 йилдан ошиб кетди.

Андрей Пишненко сурати.

** Савдо қоидалари бузилмасин*

НАРХ-НАВОЛАР УСТИДАН НАЗОРАТ КУЧАЙТИРИЛАДИ

Апрель ойининг дастлабки кунларида Тошкентдаги айрим дўконларда сут оширилган нархда сотилганлиги аниқланди. Бу Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида муҳокама этилди. Савдо қоидалари бузилишига йўл қўйганлар қаттиқ жазоландилар.

Аммо бунга қандай қилиб йўл қўйилди, деган савол туғилиши табиийдир. Нарх-наволар муттасил ошиб бораётган бир пайтда бундай ўзбошимчалик харидорларнинг ғазабини қўзғатмоқда. Хўш, юз берган камчиликларни бартараф этиш юзасидан қандай чоралар кўрилди? Улар такрорланмайдими? Бу ҳақда мухбиримизга Тошкент шаҳар Ҳокимининг ўринбосари Абдурашид Раззоқов қуйидагиларни гапириб берди:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси 30 март куни қатор маҳсулотлар, шу жумладан чорвачилик маҳсулотлари харид нархларини ҳам ошириш тўғрисида қарор қабул қилди. Одатда улгуржи нархлар ошиши билан чакана нархлар ҳам қимматлашади. Бироқ 31 март куни кечқурун республика молия вазирлигидан сут маҳсулотларининг чакана нархларини аввалги миқдорда сақлаб қолиш тўғрисида шошилинчнома олдик. Буни савдо дўконларига етказиш чораларини кўрдик.

Аммо ҳамма жойда ҳам бу соҳадаги ишлар тегишлича ташкил этилмаган экан. 2 апрель куни ўтказилган 71 дўкондаги текширишда учта дўконда нарх-наволар ўзбошимчалик билан оширилганлиги аниқланди.

Чилонзор район озиқ-овқат савдосига қарашли 29-дўконда текшириш давомида 80 литр сутнинг ҳар литри 4 сўм 63 тийиндан сотилганлиги маълум бўлди. Бир кун аввал бундай ҳол 33-дўконда ҳам аниқланди. 2 апрель куни эса Сергелидаги 28-дўконда 120 литр сут ортиқча нархда сотилган экан. Акмал- Икромов районидаги 22-магазинда ҳам 60 литр сут юқори нархда сотилибди.

Бу ҳолларни ўғрилик, деб баҳолаш қийин. Чунки ортиқча нархда сотилган сут учун харидорлар тўлаган пулларнинг ҳаммаси давлат бюджетига келиб тушди. Аммо бундай ўзбошимчалик билан муроса ҳам қилиб бўлмайди. Савдо қоидаларининг бузилиши шаҳар ҳокимлигида кўриб чиқилди. 4 та дўкон мудирини, Чилонзор озиқ-овқат идораси директорини ишдан бўшатиш, Собир Раҳимов, Акмал Икромов ва Сергели озиқ-овқат савдоси идораларининг директорларига қатъий ҳайфсанлар эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Савдо бош бошқармаси раҳбарлари ҳам қаттиқ жазоланди.

— 31 март куни сут билан савдо қиладиган 350 та дўконнинг ҳаммасида тегишли кўрсатма олинмаганлигини қандайдир изоҳласа бўлади. Бироқ наҳотки савдо ходимлари накладнойлардаги нархларни кўрмаган бўлсалар?

— Гап шундаки, ушбу накладнойларда улгуржи нарх — 4 сўм 63 тийин кўрсатилган экан. Афтидан худди ана шу савдо ходимларини чалкаштирган. Келгусида бирор-бир тушунмовчилик бўлмаслиги учун маҳсулот етказиб берувчилар накладной ҳужжатларида ҳам улгуржи, ҳам чакана нархларни кўрсатадиган бўлдилар.

— Абдурашид Сатторович, келгусида бундай чалкашликлар оқибатида харидорлар ҳақига хиёнат қилинмаслиги учун қандай чоралар кўрилади?

— Бу бизнинг энг муҳим вазифамиздир. Бозор иқтисодиётига ўтилаётганлиги туфайли турли мураккабликлар юзага чиқмоқда. Масалан, Тошкентга қатиқ турли сут заводларидан шартнома нархлари асосида келтирилади. Жумладан, кефир учун ишлаб чиқарувчилар сарф-харажатларига қараб нарх 3 сўм 40 тийиндан 4 сўм 50 тийингача қилиб белгиланган. Шу сабабли биз Вазирлар Маҳкамасида ягона ўрта нархлар белгиланиши масаласини кўтардик. Ҳозир у ижобий ҳал этилган. Шундай бўлса ҳам харидорларга бозор бир маҳсулотнинг ўзига турлича чакана нархлари бўлишини тақозо этишини эслатиб қўймоқчиман. Бунга аста-секин кўникиш керак.

Ҳозирги пайтда бизда шаҳар комиссияси ишлаб турибди. Унинг мажлисларида савдо ходимлари билан биргаликда транспорт ташкилотлари, маҳсулот етказиб берувчи корхоналар вакиллари ҳам иштирок этмоқдалар. Маҳсулотларни ўз вақтида, турлари бўйича етказиб бериш савдо қоидаларига риоя қилинишини текшириш комиссиянинг диққат марказидадир. Республика савдо вазирлиги раҳбарлари иштирокида район озиқ-овқат савдоси идораларида ўтказилаётган сайёр кенгашлар ҳам муайян самара бермоқда.

— Яқинда озиқ-овқат маҳсулотлари нархнавосини оширишга мажбур бўлинди. Аммо юқори нархда ҳам керак маҳсулотни ололмасанг ёки бу маҳсулот сифатсиз бўлса кўнглинг хира бўлар экан...

— Муштарийларга маълумки, озиқ-овқат маҳсулотларига белгиланган янги нархлар улар таннархини қоплай олмаяпти. Масалан, шаҳримиздаги 4 та бозорда мол гўшти 45 сўмдан сотиляпти. Унинг таннархи эса 70 сўм. Кунига бу бозорларда 30—35 тонна гўшт сотилаётганлиги ҳисобга олинса, камомадни қоплаш учун давлат бюджетидан қанча маблағ ажратилаётганлиги очиқ-равшан бўлади. Шуни айтиш кифояки, 1992 йилнинг биринчи чорагида бунга 50 миллион сўм сарфланди. Ҳар бир литр сут учун эса давлат томонидан 2 сўм 13 тийин тўланяпти. Тошкентда кунига 200 тонна сут сотилмоқда. Бу аввалгидан анча кўпдир. Тошкентликлар буни ўзлари ҳам сезган бўлсалар керак. Сут билан таъминлаш масаласи республика ҳукумати томонидан ҳам мунтазам назорат қилиб борилмоқда.

Бозор муносабатларига ўтиш узоқ ва мураккаб жараёнлиги маълум. Шуни ҳисобга олган ҳолда жойлардаги ишларни кучайтирамиз, харидорлар талаблари, таклиф ва мулоҳазаларига янада диққат-эътибор билан муносабатда бўламиз.

Бугунги кунда барча дўконларга меъёр бўйича бериладиган маҳсулотлар мунтазам келтириб турилибди. Биринчи навбатда март ойи маҳсулотларини олмаганларга хизмат кўрсатиляпти. Маҳсулотлар узлуксиз етказиб берилишида бизга «Узоптбакалея», «Узпищепром», нон маҳсулотлари, озиқ-овқат саноати, гўшт, сут савдоси вилоят бошқармалари яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Биз имкониятларни ҳисобга олган ҳолда нон ҳамда гўшт ва сут маҳсулотларига савдо устамасини 20 фоиздан 10 фоизга камайтиришга қарор қилдик. Бир сўз билан айтганда вазиятни барқарорлаштириш учун тегишли чоралар кўриляпти. Аммо баъзи савдо раҳбарлари ва ходимларининг ноинсофликлари, харидорларга нисбатан қўполликлари бу саъй-ҳаракатларга доғ туширяпти. Уларга нисбатан қатъий чоралар кўраверамиз.

Суҳбатдош Ойдин ҲАКИМОВА.

** Шаҳар хўжалиги мавзуида*

ИБРАТ ОЛИШСА БЎЛМАСМИКАН?

ЯҚИНДА хизмат юзасидан Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли жамоа хўжалигига бориб қолдим. Шаҳримизнинг шундоқ биқинига жойлашган бу хўжаликдаги тартиб ва интизом қувонтирди. Кўчалар озода. Йўл чеккаларига экилган турли хил мевали дарахтлар қийғос гуллабди. Кечки пайт бўлгани учунми ёки кундалик одат тусига кирганиданми, деярли барча хонадон соҳибалари ўз эшиклари олдида куймаланишиб, тевараг-атрофни супуриб-сидиришарди. Ҳатто катта кўча ҳам улар эътиборидан четда қолмади. Уй эгалари кўчанинг ўзларига тегишли қисмини тозалаб супуриб-сидиришди. Ҳамма бу ишга баҳоли-қудрат улуш қўшди.

Ибрат олса арзигулик манзара. Шуни кўра туриб беихтиёр яқинда идорамизга шаҳримиздаги баланд қаватли бир уй аҳолисидан келган мактубни эслайман.

«Уйимиз олди ахлатга тўлиб кетди. Бу ҳолдан на уй-жой бошқармаси ва на бошқа тегишли ташкилотлар хабар олишади. Илтимос ахлатхонани тозалашиб беришда бизга ёрдам кўрсатинглар. Ахир қачонгача бу ифлосликларга чидаб яшаймиз?»

Эртасига ўша жойга йўл олдик. Айтилган ерга бориб ҳақиқий аҳвол билан танишмоқчи бўлдик. Қай кўз билан кўрайки, нари борса икки машина чиқар-чиқмас ахлатлар икки уй орасида тепкиланиб ётарди. Ҳар бири 96 оилага мўлжалланган бу уйларда ҳаммаси бўлиб 192 хонадон яшайди. Қолаверса, ўша «қўлбола» ахлатхонани ҳам уларнинг ўзлари бунёд этишган. «Тавба», дейман ўзимга ўзим. Наҳот шу арзимас иш учун қайларгадир шикоят қилиб, кимларнингдир ёрдамини кутиб ўтириш керак? Ахир шунча оила жазм этса, ҳашар йўли билан ахлатхонани бир соатлик муддатда тозалаб ташлайдику! Шу қадар лоқайд бўлаверсак, яқинда ҳар куни ўзимиз юриб ўтадиган йўлагимизни ҳам биров супуриб беришини кутиб ўтирадиган бўлиб қолмаймизми?

Шу баҳона бизда шаҳримизнинг турли чеккаларида бўлиб, у ердаги кўчаларнинг ҳақиқий аҳволи билан танишиш нияти туғилди. Дастлаб пойтахтимизнинг кўзга кўринган йирик майдон ва кўчаларида бўлдик.

Мустақиллик ва Навоий театри майдонлари, Халқлар дўстлиги кўчаси, Ўзбекистон миллий боғи ҳудуди, Санъат саройи, Мангулик ёдгорлиги атрофлари чиндан ҳам саранжом-сариштa эди. У ерларда кўкаламзорлаштириш ва бошқа турли ободончилик ишлари олиб борилган.

Агрегат заводининг олдидаги озодагарчилик ҳам бизни қувонтирди. Теварак-атрофга мевали дарахтлар экилган. Спорт майдончаси тартибга келтирилган. Шунингдек, Чилонзор районидаги 9-туғруқхона, Куйбишев районига қарашли «Октябрь 40 йиллиги» маҳалласи кўчалари ҳам батартиб.

Афсуски, шаҳримизнинг барча кўча ва йўлкалари ҳақида ҳам бундай ижобий фикр юритолмаймиз. Октябрь ва Акмал Икромов районларига қарашли Шоир ҳамда Раҳимбобоева кўчалари бунга мисол бўла олади.

Қорақамиш анҳорининг қирғоғига жойлашган Сомон бозори, 3-сабзавот сақлаш омбори, Ширин қаҳвахонаси атрофлари ҳар хил чиқиндилар билан тўлиб-тошган.

Олмазор даҳасидаги 16, 16/1-уйлар яқинидаги иссиқлик тармоғи ўтган йилнинг ноябрь ойида таъмирдан чиқарилган бўлишига қарамай кўчалар ҳали ҳам ўнқир-чўнқир бўлиб ётибди. «Қолган ишга қор ёғар», деб шунга айтсалар керакда.

— Ҳамза районининг 14-уйжой бошқармасига қарашли Степан Разин кўчасига жойлашган 32-уйнинг 3-хонадонида истиқомат қиламан, — дейди уруш ва меҳнат кексаси С. Степанюк бизга. — Салкам 40 йилдан буён мана шу икки қаватли уйда яшайман. Ҳозирги кунда ҳовлимиздаги чиқинди сувларни тозалайдиган тиндиргич ишдан чиққанлиги сабабли ифлос оқавалар болалар майдончаларидан ўтиб, кўча томон оқиб чиқмоқда. Чиқиндиларнинг кўплигидан ҳовлимизга кириш тобора мушкуллашмоқда. Улар вақтида олиб кетилмайди. Контейнерлар ахлатлар билан тўла. Бу ҳолни ҳар куни кўра-била туриб уй-жой бошқармаси мутасаддилари уни тартибга келтириш ҳақида бош қотиришмайди.

Собир Раҳимов районидаги 1-уй-жой бошқармасига қарашли мавзе атрофи кўп қаватли уйлар билан гавжум. Лекин бу ерда шу вақтгача ҳеч қандай ҳашар ўтказилмаганлиги шундоқ кўриниб турибди. Баъзи уйларнинг умумий кириш эшиклари синиб кетган, ойналари йўқ. Яқин-атрофдаги ариқ ва сув шохобчалари қаровсиз ётибди. Ушбу камчиликларни Қорақамиш даҳасидаги 2/1-мавзеига жойлашган 20, 21, 22, 26, 27-уйлар атрофида ҳам кўриш мумкин.

Гайдар кўчаси ҳам ифлослик мусобақасида пешқадам ўринлардан бирини эгаллайди. Шу кўчада жойлашган ошхона ҳамиша хўрандалар билан гавжум. Лекин унда тайёрланаётган таомлар санитария талабларига жавоб бермайди. Ошхона ифлос. Унга канализация уланмаганлиги туфайли бу ердан чиқаётган чиқинди сувлар тўппа-тўғри кўчага оқизиб қўйилган.

Кечки пайт «Олой» бозори бекатига етиб келдим. Очиғи метро қурилиши баҳонасида шаҳримизнинг марказий кўчаларидан бири бўлган Энгельс кўчасидан ҳам файз кўтарилибди.

Ошхона ёқалаб бозор томон юрарканман, ахлат уюмлари тобора қалинлашиб борарди. Қизиғи шундаки, бозор дарвозаси олдида уймалашиб турган кабобпаз ва сомсапазлар бунга мутлақо эътибор беришмасди.

Беихтиёр хаёлга толаман. Бундан 3—4 кун олдин бўлганим ўша юқоридаги жамоа хўжалиги кўчаларидаги тартиб ва озодагарчиликлар кўз олдимга келади. Ўша биз танқид қилган кўчаларда ҳам одамлар яшашади. Шундай экан, улар ҳам яхшилар ишидан ибрат олишса бўлмасмикан?

Уйғун ШОРИХСИЕВ,
Тошкент шаҳар санитария-эпидемиология станцияси ходими.

** Касаба уюшмалари*

ЎЗИНГДАН ЧИҚСА—АРЗОН

ҲОЗИРГИ бозор иқтисодиётининг қийинчилик пайтида корхоналарда ишчи ва хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш катта аҳамиятга эга. Улар ойлик маошдан ташқари товон пули олмоқдалар, тушликларига кетадиган пулнинг бир қисми қопланяпти. Корхоналарга озиқ-овқат ҳамда саноат маҳсулотлари арзон нархда олиб келиб сотилмоқда. Бу ишларни амалга ошириш эса айниқса ўша корхонанинг касаба уюшмаси фаолларининг қандай ишлашига боғлиқдир.

Хўш, шаҳримиз корхона ва бирлашмаларида ҳозир бу ташкилотлар қандай фаолият кўрсатишмоқда? Биз шулар ҳақида билиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли Тошкент тажриба механика-экскаватор таъмирлаш заводида бўлдик.

— Шу корхонада ишлаганимга 34 йил бўлди, — дейди завод касаба уюшмаси ташкилотининг раиси Райса Сударикова. — Шундан 21 йили бевосита цехда ўтди. Шунинг учун ишчиларнинг оғир меҳнати менга беш қўлдек маълум.

Касаба уюшмаси ҳамда корхона маъмуриятининг ишчилар самарали меҳнат қилиши учун шарт-шароит яратиб берганига келсак, бу борада анча ишлар қилинди.

Бундан бир неча йил илгари Оҳангарон районида корхонанинг «Наугарзан» дам олиш маскани қурилган эди. Ҳозирги кунда 150 кишига мўлжалланган мазкур оромгоҳ ишлаб турибди. Унда ишчиларнинг дам олиб, ҳордиқ чиқаришлари учун ҳамма шароит муҳайё. Ҳар томонлама қулай бўлган ошхона, чўмилиш ҳавзаси бор. Ўтган йили корхонадан 437 киши ана шу дам олиш масканида ўзларининг меҳнат таътилларини ўтказишди.

Бундан ташқари ишчи ва хизматчиларимиз бошқа дам олиш жойларига ҳам бориб келишди. Уларга йўлланма қийматини анча арзонлаштириб бердик. Масалан, ўша йўлланма ҳақи 1,5 минг сўм турса, ишчилар атиги унинг 150 сўмини тўлашди. Бу йил эса шундай йўлланмаларнинг яна ўнтасини сотиб олдик. Соғлиғини тиклаётган ишчилар эса даволаниш масканлари йўлланмасининг 15 фоизинигина тўлайдилар. Шунингдек, ҳозирги кунда ходимларимиз фарзандлари ёзда дам олиши учун уларнинг ота-оналари 1200 ўрнига 100 сўм тўлаши таъминланган.

Гўшт, гуруч, қуруқ мева ва бошқа маҳсулотларни бозор баҳосидан анча паст нархларда ишчиларга сотиш уюштирилмоқда. Мисол учун ўтган йили корхонага 6 тонна гўшт, 30 тонна гуруч маҳсулотлари ишчи-хизматчиларга арзон нархларда сотилди. Масалан, гўшт бозорда 30 сўм атрофида бўлган пайтда корхонада 15 сўмдан, бу йил бозорда 60 сўм атрофида бўлганда 30 сўмдан бериляпти. Гуруч маҳсулотлари эса ҳозирги кунда бозорда 15 сўмдан кам сотилмаётганлиги ҳаммага аён. Шунга қарамасдан корхонага бозорникидан сифат жиҳатидан қолишмаган гуручни 8 сўмдан келтириб, ишчиларга берилди. Шу йилнинг ўзида 1,5 тонна гўшт, 1,5 тонна қуруқ мевалар корхонага олиб келинди ва меҳнаткашларга сотилди.

Ҳа, Тошкент тажриба механика-экскаватор ремонти заводида кейинги вақтларда ишчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича анча ишлар амалга оширилди.

Яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, корхона ўзининг ёрдамчи хўжалигига эга. Бу эса ишчиларни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашни яна ҳам яхшилашга имкон бермоқда. Ана шу ёрдамчи хўжаликларда шу йил 2400 килограмм асал, 6 минг килограмм гўшт, 20 тонна пиёз, 800 килограмм узум ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш мўлжалланган. Буларнинг ҳаммаси корхона ишчи ва хизматчиларига бозор баҳосидан анча кам нархларда сотилиши мўлжалланмоқда.

Гулом ЮСУПОВ.

Ольга Носкова ижара пудратидаги Тошкент полиграфия комбинатига ишга кирганда жуда ҳам ёш эди. У дастлаб корхонанинг мураккаб дастгоҳларини қандай бошқаришни хаёлига ҳам келтиролмасди. Аммо у устозлари ёрдамида севган касбини тез ўзлаштириб олди. Қисқа муддат ичида ўзи ишлаётган ускунани моҳирлик билан бошқара бошлади.

Мана шунга ҳам 5 йилдан ошиб қолди. У шу йиллар ичида яна бир қанча касбларни ўрганиб олди. Ҳозир у корхонанинг «Сурат маркази» бўлимида программаловчи бўлиб ишлайди.

СУРАТДА: илғор ишчи Ольга Носкова ўз дастгоҳи ёнида.

Рустам Шарипов суратлари.

ДАВР ФОЖИАСИНИ КЕЛТИРГАН ТЎФОН

УШБУ саҳифадан ўрин олган ҳужжатлар ошкоралик туфайли топилган архив материалларининг бир қисмидир. Уларни излаш, танишиш, чуқур ўрганиш жараёни ҳам оғир, ҳам қувончли бўлди. Бу шахс ҳамда унинг атрофидагиларнинг 30-йиллардаги фаолиятини, иккиланишини, азоб-уқубатини, метин иродасини, даҳосини билмай туриб, маданиятимизнинг якунланаётган асрдаги аҳволи, фожиасини тасаввур этиш ҳам мумкин эмаслигига ишондим.

Бир гуруҳ ўзбек зиёлилари етишиб чиққан ва миллатнинг маданиятинигина эмас, яшаш тарзини тубдан ўзгартишга, фикр доирасини кенгайтиришга, юксалтиришга қодир бўлган бир дамда гўёки бир тўфон келиб уларни бирма-бир олиб кетгани айрим шахсларнинг фожиасигагина эмас, ўзбек, давр фожиасига айландики, бугун бу ҳақда биз не афсуслар билан, кўзга ёш олиб мушоҳада қиламиз.

Наби Ғанизода ўша қатағон қилинганлар сафида эди. У ҳам зиндоннинг нур ўтмас жойларида айбини билмай, фарёдини айтолмай, туҳмат азобидан қутулолмай ётди. У ҳам маслакдошлари — қалам соҳиблари, саҳна ва экран усталари, жамоат арбоблари қатори қайта-қайта сўроқ қилинди. У ҳам миллатига, асрлар давомида теранлашиб, сайқал топиб келган инсонийлик ҳис-туйғуларига содиқ қолди.

Буни қаранг-а: ўзбек ўғлони Набижон миллатини улуғловчи, маданияти довруғини оламга таратувчи асарлар яратишга қодир бўлган дамда ёнида Фитрат ва Чўлпон, Усмон Носир ва Ғози Юнус, Шоҳид Эсон Мусаев ва Боту (у «Эсон афанди тахаллуси билан ҳам машҳур бўлган), Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Мунаввар қори Абдурашидов ғоялари ўлкамизни кезиб юрган... Қодирий мозийга қайтиб иш кўриши, бир-биридан гўзал қаҳрамонларини туркистонлик замондошларига ҳамроҳ этиши ва ўтмишимизни эслатиб туриши... Буларнинг бари кино санъатимизнинг миллий асарлар вужудга келиши учун пухта замин тайёрлаган эди. Ана шу қулай шароитдан фойдалана оладиган кино усталари ҳам оз бўлсада, етишиб чиққан эди. Улар аввало Сулаймон Хўжаев, Эргаш Ҳамраев, Асад Исматов, Худойберган Девонов эди. Лекин Наби Ғанизода (20-йилларда ёзган ва «Ер юзи» жаридасида чоп этган мақолаларига Наби Ғаниев шундай имзо чеккан) истеъдоди, заковати, умуман маданий-ижтимоий фикрлаш доираси билан ажралиб турганини янги топилган ҳужжатлар шак-шубҳасиз тасдиқлади.

Лекин шундай порлоқ юлдуз нурга тўлиб турган ва атрофга тенги йўқ ёғду таратишга қодир бўлган дамда уни, ёру биродарларни, фикрдош ҳамкасбларини занжирбанд этдилар... Айримлари отилди яна бирлари ўзларини қатл этишга мажбур бўлдилар. Бошқалари сургун азобига дучор бўлдилар. Наби ака ҳам «Ўтган кунлар»ни, «Алпомиш»ни, Номозни, Алишер Навоийни «кино қилмоқчи» бўлиб ширин хаёлларга берилиб юрган ўша дамларда фавқулодда қатағонга учради. У бир зум бўлса ҳам ўз ниятларидан қайтмади. «Кинематографияда ҳалол, виждонан ишлашга бўлган истагимни ҳеч ким қайтаролмайди», деб хитоб қилди. Эҳтимол шу ишончи, букилмаган иродаси уни қутқариб қолгандир. Наби ака икки йил давом этган тинимсиз терговни (сўроқ кўпроқ ярим тунда бошланиб саҳаргача давом этарди), тазйиқ кўрсатишга уринишларни, гўристонни эслатувчи зиндоннинг даҳшати, чирик муҳитни — буларнинг барчасини кўрди. «Айбини» бўйнига қўйишга эриша олмай бўшатмоқчи бўлганларида ҳам «Менга хиёнат қилганлар билан юзлаштиринг, очиқ суд қилингки, юртдошларим олдида юзим ёруғ бўлсин, сотқинларнинг башарасини ҳамма таниб олсин, бунинг учун мен авахтада бўлишим талаб этилса мен розиман. Қанча керак бўлса, шунча занжирбандликка чидайман» деган.

Бугун янги ҳужжатларни ўрганиб, уларни 30 йил давомида тўпланган бошқа фактлар, хотиралар, мақолалар билан қиёс қилган ҳолда ўрганиб ҳайратга келдим: аввало Наби Ғаниев сотқинларни ўзи фош этган, суд залида ғалаба қилган (30-йилларнинг иккинчи ярми учун бундай факт ғайри-табиий туюлади!), лекин кек сақламаган, озодликка чиққанида ғина-кудурат қилиб юрмаган, Маҳсума ая билан ош дамлаб, очиқ чеҳра билан уларни кутиб олган, гурунглашиб ўтиравергan. Худди ўша чақимчиларга роллар берган, ўзига ёрдамчи қилиб олган — хулласи, уларни ўз бағрига олиб санъаткор сифатида, инсон сифатида қайта туғилишига, камол топишига эришган. Бу ўринда ўша гуноҳкорларнинг номларини келтирмайман. Улар шаънига доғ тушмасин. Халқимиз севган актёрлар, режиссёрлар, операторлар экрандаги қиёфаси, экран ортидаги фаолияти билан машҳур ва мазмур бўлиб қолаверсинлар. Биз ҳам Наби ака сингари уларга мурувват қилайлик. Ҳужжатларни ўрганиб, фактларни аниқлаб ножўя ҳаракат қилган, адашган бир гуруҳ ижод аҳлининг исм-шарифларини бугун айтмаганимиз учун муштарийлар авф этгайлар.

Устоз Наби Ғанизоданинг буюклиги турмуш ижир-чижирларига ўралашиб қолмаганида (унинг ўз уйи бўлмагани, гоҳ Шайҳантоҳурдаги мачитда, гоҳ студияда, гоҳ бировдан ижарага олган хонада, гоҳ эса опа-сингилларникида турганини ҳисобга олинг!), ёлғон, туҳмат, зулмдан софдиллиги, бағри кенглиги, саҳийлиги билан устун турганидадир. Сўзларимизда муболаға йўқлигини биргина далил билан исбот қилишимиз мумкин: у денгиз каби жўш уриб турганда сабабли кўлмакларни, у ердагиларни гўёки сезмаган, ўз домига тортиб, теранликка катта ҳаракат кўламига чорлаган, одатлантирган. Худди шу фазилати туфайли хоинлик, зиндон, сўроқ, зулмдан кейин адоват ҳақида эмас, қонхўрлар ҳақида эмас, севишганлар, бир-бирига содиқ қолганлар (Тоҳир ва Зуҳра, Қодир ва Қамар, Баҳор ва Сардор) ҳақида, олижаноб, инсонпарвар Хўжа Насриддиннинг нозик табиати, хушчақчақлиги ҳақида экрандан ҳикоя қилишга эришди.

Ижод аҳли қамоқдан, дор тагидан қайтганида қандай асарлар яратганларини эслаң... Уларда меҳр-муҳаббатдан одатда асар ҳам қолмайди... Ҳужжатларни ўрганганимизда Наби акадек ноёб истеъдод, ўткир заковат соҳиби айни бир вақтда ўта содда табиатли одам бўлганидан ҳайрон бўлдик. «Ҳокимият кимники?» фильмини Йўлдош ака Охунбобоев кўриб мақтаган эдилар-ку, «Йигит» асаримизни Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев томоша қилиб менга мукофотлар беришган эдику. Энди мени шу асарларим учун суд қиляпсизларми?!» деганида бири Президент, иккинчиси жумҳурият партия ташкилоти котиби, яна бири Совнарком раиси лавозимида бўлганлари билан марказга тобе бўлишга мажбурлигини хаёлига ҳам келтирмаган кўринади... «Нақотки дўстим, неча йиллик қадрдоним мен ҳақимда шундай бўҳтонларни сизга, терговга айтди экан!? Қўрқоқлигидан-микин?... юзлаштиринг улар билан. Юзимга айтсин ўша бўҳтонларини!» — деганида, сўзида маҳкам турганида туҳматчилар эсанкираб қолгани ҳам маълум бўлди. Ҳамкасблар «айбланувчи» Наби Ғаниевнинг юзидан нур ёғилиб турганини, ёш болалардек, таажжуб билан «гувоҳларга» қараб турганида кутилмаган воқеа юз берди: бирорта «гувоҳ» туҳматини қайтара олмади. Наби акаининг нигоҳи ўткирлигиданми, ҳақлигига ҳеч шубҳа қилмай ўзини дадил тутгани, сўзларини мантиқий далиллар билан асослаганиданми, ҳар қалай бўҳтон қилганларнинг юзи шувут бўлган...

Наби акаининг яна бир фазилатига қойил қолдим. У фақат 30-йилларнинг иккинчи ярмидагина эмас, кейинроқ 40—50-йилларида ҳам шубҳа, назорат остида бўлган. «Гувоҳлар» ўзларига эп билган қора ишларини қилаверганлар. Бу ҳақда у ҳеч кимга, ҳаттоки оиласига ҳам айтмаган. Ўзи изтироб чекиб, адолат излаб курашиб, «ижоднинг кўпроқ машаққатини тортиб, озроқ завқидан маст бўлиб» юраверган. Азоб-уқубатга иродаси бардош берди, ақл-идроки ҳам. Лекин доим таранг тортилиб турган асаб торлари узилди, баланд бўйли, келишган йигит 49 ёшида касалга чалинди-ю кўп ётмай, бандаликни бажо келтирди. Ўша 1953 йилнинг баҳорида дўсти Асад Исматовни дафн этиб, уйига қайтган Наби акаининг сўзлари уйдагиларни йиғлатиб юборди. «Маҳсум (рафиқалари Маҳсума аяга Наби ака шундай мурожаат этардилар), менга бир нарса бўлса, Асаднинг ёнига қўйинглар...» Буни қаранг-ки, бир неча ойдан сўнг уни дўсти, фикрдоши, машҳур театр ва киноактер Асад Исматов кетидан ўша Чиғатой қабристонига элтиб қўйдилар... Икки маслакдош оғайни ўша ерда абадий уйқуда ётибдилар...

Бу сўзларни қайғуга ботиб ёздиму, ўйлаб қолдим. Устоднинг фожиасини таърифловчи рўзнома саҳифасига маъюс оҳанг кириб қолиши тўғри бўлармикин!? Аския, латифа устаси, ҳазил-мутойибасиз туролмайдиган, севги-садоқат куйчиси бўлмиш Наби Ғанизоданинг бирорта асарида тушкунлик аломати йўққу? У ўз қаҳрамонларига жуда-жуда ўхшайди-ку! Насриддин сингари кулги дарғаси ва айни бир вақтда файласуф эди у. Тоҳир каби ишқ ўтида ёнган, Боҳир каби дўстини ҳеч сотмаган, унга умрбод содиқ қолган, Сардордек мард, довюрак, адолат учун жонини фидо этишга тайёр эдику!.. Шу боис бугун янги ҳужжатларни оз бўлса-да шарҳлашга бағишланган мақоламизнинг сўнгида ҳам Наби акаининг ўгитларини бажонидил тилга оламиз. Дарвоқе, бу хусусда ҳам биз анжуманларда, рўзнома ёки ойнома саҳифаларида, телекўрсатув ёки радиоэшитиришларда фикр юритишга ожиз эдик. Бугун «Оқшом» рўзномаси муштарийларига етказилаётган маълумотлар, айрим воқеалар тафсилотлари эндигина маълум бўлди.

Наби акаининг 1937 йилнинг 2 август куни Бутуниттифоқ санъат бошқармаси бошлиғи Каржинцевга йўллаган хатини ўрганиб маданиятимиз истиқболини кўзлаб иш тутган шахснинг билим доираси кенглигини, заковати ўткирлигини ва жасоратини таъкидлашни, муштарийларга хабар қилишни бурчимиз деб биламиз. Ўзбек санъаткори бошқа жумҳуриятлардан келган режиссерлар ҳақида ўша оғир ва хавфли 30-йилларнинг иккинчи ярмида ўзининг танқидий фикрини очиқ-ойдин айтгани мардлик, жасоратнинг ўзгинаси эди. Таклиф этилган режиссерлар асосан пул ишлаш учун келиши, бинобарин, миллий санъаткорлар етишиб чиқиши ҳақида мутлақо қайғурмаганини Наби ака Ғаниев қолдирган манбадан билишимизнинг аҳамияти катта. Зеро бу чин инсон, ноёб истеъдод соҳиби фильм ишлаб чиқариш жараёнида кино ширкати директори лавозимида ҳам иштирок этган. Бинобарин, у кинонинг эстетик муаммолари билан бирга иқтисодий, техник жиҳатларини ҳам чуқур ўрганган, эртаги кун кадр тайёрлашнинг савияси билан боғлиқ эканлигини биринчи бўлиб айтган. Бу масалада Наби акага Абдулла Қодирий ҳам фикрдош бўлган (адибнинг «Равот қашқирлари» фильмига ёзган тақризини эслангI)...

Ўзбек режиссерининг аввало ўзига нисбатан талабчанлигини қаранг: танқидий мулоҳазалар нега айтилмайди, нега ҳадеб мақтайверишади, мукофотлар билан тақдирлайверишади, деб таажжубга келади, холис танқид зарурлигини таъкидлайди. Кино санъатимиз асосчиси, бу соҳада ҳар жиҳатдан биринчи бўлган шахснинг бундай камтаринлигини, иззатталаб бўлмаганини бугун эслаш зарур кўринади. Наби акадан қолган мерос — бу фақат унинг асарларигина эмас, ана шундай инсоний фазилатлари ҳамдир...

Буни қаранг-ки, қатор пьесалар муаллифи, кино сценарий хусусиятлари ҳақида рисола битган бу ижодкор ўзини кинодраматургия соҳасида мутахассис деб билмаган ва фильмларнинг адабий пойдеворини режиссер эмас, драматург яратиши кераклигини айтган. У «Тоҳир ва Зуҳра», «Насриддиннинг саргузаштлари» сценарийлари ёзилишида ташаббус кўрсатибгина қолмаган. Янги образлар, сюжет йўллари, талқин услублари ҳақида муаллифлар билан фикр юритган, улар билан ёнма-ён ўтириб сценарийларни қиёмига етказган. Лекин ўзининг фамилиясини С. Абдулла ёки В. Виткович ёнига тиркаб қўймаган. Эндиликда эса сценарий ёзмайдиган кино режиссерни топиш ҳам амри маҳол бўлиб қолди. Шу боис Н. Ғаниевнинг ҳозиргина топилган сўзларини эслатиб қўйиш ўринли бўлар: «Режиссёр драматург эмас. У сценарий ёза билиши ҳеч талаб этилмайди...»

Наби Ғанизода тўрт фильмни суратга олиб бўлганидан кейин (1937 йил) «Мен ўзим интилган маҳорат чўққисига кўтарилганимча йўқ. Уни забт этиш қўлимдан келишини биламан... Кинематографиямизнинг ажойиб асарларини яратаман... Кинода ижод этадиган санъаткорларни тарбиялаш учун кўп иш қилишимга ишончим комил», деб айтган экан. Бу сўзларни қоғозга тушириб Москвага юборганидан кейин 55 кун ўтгану Наби Ғаниев ҳибсга олинган. Лекин у ваъдасини бажо келтирган. Озгина яшашини сезганиданми, тинim билмай ижод этган, мисли кўрилмаган тўғаноқларни енгиб ўтган. Ижоднинг юксак чўққисига кўтарилган, кино дурдоналарини яратган, истеъдодли шогирдлар қолдирган.



* *Тарихимизнинг ўқилмаган саҳифалари*

НАБИ ҒАНИЕВНИНГ АЧЧИҚ ҚИСМАТИ

Ушбу саҳифада кинематографиямиз асосчиси Наби Ғаниев (Наби Ғанизода)нинг 49 йиллик ҳаёти, жўшқин фаолияти, у чеккан азоб-уқубати билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар илк бор эълон қилинмоқда. Муштарийлар бугун бу улкан санъаткор ва ажойиб инсоннинг қиёфаси гавдаланган суратлар билан ҳам биринчи марта танишадилар. Сиз саҳифада кўриб турган суратлар эндигина топилди...

ФАРМОИИШ

Тошкент шаҳри, **1937 йил 27 сентябрь**

Наби Ғаниев Тошкент кино фабрикасида режиссёр сифатида ишлаган. Фильмларида миллатчилик ғояларини, советларга қарши бўлган дунёқарашини ифода этгани учун ишдан бўшатилган. Фош этилганидан аламзада бўлиб советларга қарши тарғибот ишларини олиб борган, марказий газета раҳбарига нисбатан террористик ҳаракатни режалаштирган... Ғаниев қамоққа олинсин

●

1939 ЙИЛ 9 ИЮНЬ КУНИ БЎЛГАН ТЕРГОВДАН БИР ЛАВҲА:

САВОЛ: Тошкентдаги яқинларингизни айтинг.

ЖАВОБ: Йўлдош Аъзамов, Темур Фаттоҳов, Эргаш Ҳамраев (қамоқда), Ҳаким Хонкелдиев (кинофабриканинг собиқ директори, 1937 йили қамоққа олинган), Мутал Абдуллаев, Шариф Толипов, Вера Пушкарева, Тойбек Эшонбеков, Халил Енгаличев (кинофабриканинг собиқ директори, 1938 йили қамоққа олинган; у билан хизматда танишганман), Саидазим Усмонов, Виктор Кутюков, Яшин Нўъмонов.

●

1939 ЙИЛ 20 ИЮНЬ. ХАЛИЛ ЕНГАЛИЧЕВ АЙТГАНЛАРИ:

«ЙИГИТ» аввал қабул қилинмаган эди. Ўз КП(б) МК собиқ секретари, эндиликда ҳибсга олинган Икромовнинг қистови билангина экранга чиқарилган. Бу асарга бошқа миллатчилар ҳам ҳомийлик қилган эдилар. Масалан, Каримов (Ўз ССР ХКСнинг собиқ раиси, 1937 йили, май ойида қамоққа олинган) «Йигит»ни овозли қилишни талаб этган эди.

●

1939 ЙИЛ, 16 ИЮНЬ.

АБДУРАҲИМ АҲМЕДОВ АЙТГАНЛАРИ:

Ғаниев Наби сизларга маълум бўлган контрреволюционер ва миллатчи, халқ душмани сифатида қораланган Ғози Юнусов билан, кинофабриканинг собиқ режиссёри, спиритизм тўғарагининг иштирокчиси, жазоланган Сулаймон Хўжаев билан узвий алоқада бўлган. Ғаниевнинг кўмагида Ғози Юнусов 1933—34 йиллари актёр сифатида кинофабрикада ишлаган. «Тонг олдидан» фильмида жадидларнинг сотқинлигини оқламоқчи бўлганлар «Рамазон»да кишилар диний қарашлардан маъмурий чоралар таъсирида воз кечишга мажбур бўлаётгани кўрсатилган. Фильм динни қораламайди, аксинча, уни ёқлайди.

«Йигит»да босмачилар идеаллаштирилган. Уларни гўёки халқ қўллаб-қувватлаган. Босмачилар куч-қудратли, жиплашган кишилар сифатида тасвирланган, Қизил Армия эса заиф қилиб кўрсатилган, яъни буржуазия миллатчилиги руҳида таърифланган. Бу асарни аксилинқилобчи, миллатчилар Икромов, Ф. Хўжаев, Болтаев ва бошқалар Ўз КП(б) МК боғида кўриб, зўр бериб мақтаганлари бежиз эмас. Карцев аксилинқилобчи, миллатчи, Ўзбекистон КП(б) МК собиқ масъул ходими буйруғи билан Ғаниев шу асари учун костюм билан ҳамда уйини тиклаш учун 2500 сўм билан мукофотланган...

«Юксалиш»да социалистик мусобақа оммавий ҳаракат сифатида эмас, маъмурият қўллаган тадбир сифатида кўрсатилган эди.

●

КОМИССИЯНИНГ ХАТОСИМИ ЁКИ ҒАНИЕВНИНГ ДАҲОСИМИ?

1938 ЙИЛ 15 АВГУСТ

«Ўзбекфильм» киностудияси маҳсулотлари билан танишган комиссиянинг хулосасидан

Шуни алоҳида қайд қилиб ўтиш керакки «Йигит»да (режиссёр Ғаниев, 1935) Қизил Армия жуда кўримсиз ҳолда тасвирланган. Босмачилар тўдаси эса кучли, пухта тайёргарлик кўрган кишилардан ташкил топгани таъкидланган. Камбағал Пўлат образига режиссёр ва актёр Ҳамраев томонидан шунчалик кўп ўрин берганларки, Қизил Армия сюжетдан мутлақо четда қолиб кетган. Бош қаҳрамон Пўлатнинг ташқи кўриниши ҳам, хатти-ҳаракати ҳам синфий душманга қарши курашга отланган бечора деҳқонга мос келмаган. Қизил Армия вакилларининг босмачиларга қарши кураш олиб боришдаги хизматларини кўрсатиши лозим бўлган лавҳалар йўқ. Қизил Армия деҳқонлар билан боғлиқ бўлгани бўш таърифланган, Армияда сиёсий иш олиб борилиши кўрсатилмаган.

Хулласи, фильм буржуазия миллатчилиги руҳида яратилган.

«ҲОКИМИЯТ КИМНИКИ?» 1929 ЙИЛ. МУАЛЛИФ ВА РЕЖИССЁР Н. ҒАНИЕВ

Колхоз қурилиши учун бўлган кураш кўрсатилмаган. Унда бўҳтон, сиёсий адоват кўзга ташланади. Ёшлар катталарга қарши қўйилади. Шу йўл ила Троцкийнинг «Ёшлар — партиянинг барометри» концепцияси илгари сурилади. «Ҳокимият кимники?» саволига томошабин жавоб топа олмайди. Зеро Совет ҳокимиятининг бойларга қарши кураши жуда суст бўлгани туфайли зодагонлар қудратли бир куч сифатида гавдаланган.

Фильм душман ишини қилади.

Комиссия аъзоларининг имзолари ва муҳр «Ўзбекфильм».

●

ТОМОШАЛАР ВА РЕПЕРТУАРНИ НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ БЎЛИМНИНГ ХУЛОСАЛАРИ

«ЙИГИТ». МУАЛЛИФ ҲАМРАЕВ Э, РЕЖИССЁР ҒАНИЕВ Н.

Асар бадиий жиҳатдан жуда заиф бўлгани сабабли Москва уни экранга чиқазишга розилик бермади. Ўз КП(б) нинг собиқ раҳбари (Икромов) ва Совнарком (Ф. Хўжаев) асарни намойиш этишни тавсия этишди. У миллатчиларга қўл келди... Босмачилар фақат Қизил Армия билан курашади, Уларнинг босқинчилик фаолияти кўрсатилмаган. Босмачилар асирликка тушганларида эса қишлоқ аҳли уларни тантана билан кутиб олади.

Фильм экранларда кўрсатишга ярамайди.

«РАМАЗОН». МУАЛЛИФ ВА РЕЖИССЁР ҒАНИЕВ.

«Рамазон»динга қарши курашга даъват этмайди. Аксинча. Бой ва муллалар ҳаққоний равишда кўрсатилмагани сабабли улар экранда Совет ҳокимияти ва партиядан кучли бўлиб қолган. Бундай асар кўрсатилиши мумкин эмас. «Ҳокимият кимники?» Бош ролда Ғаниев. Бу бадиий асар Совет ҳокимияти ҳақида эмас, бойларнинг Советлар билан бўлган мусобақаси ҳақида. Бойлар ва ўғрларнинг куч-қудрати таърифланган.

«ЮКСАЛИШ». РЕЖИССЁР ҒАНИЕВ.

...Пахта йўқ. Завод тўхтаган. Ишчи бақиради; «Мана сизларга зарбдорлик! (ҳужжатда «ударничество» — Ҳ. А.) Ишсиз қолдинку!» Асарни экранга олиб чиқиш имкони йўқ.

Имзо

●

НАБИ ҒАНИЕВНИНГ МОСКВАГА, БУТУНИТТИФОҚ САНЪАТ БОШҚАРМАСИГА ЁЗГАН ХАТИДАН

1937 ЙИЛ 2 АВГУСТ

«Йигит»нинг хомаки нусхасини Ўз КП(б) МК бюроси ўрт. Икромов бошчилигида кўрган ва қарор қабул қилган: «...Унда ҳеч қандай аксилинқилоб йўқ. Ғаниев фильмни тугаллашига имкон бериш керак...» Ўрт. Икромов, Цехар ва бошқалар диққат билан ишимни кузатиб боришди. «Йигит» суратга олинган жойда ҳам бўлишди. Фильмни Ўз КП(б) МК бюроси қабул қилаётганида «Ғаниев синовдан ўтди, асарини қабул қиламиз, уни кўрсатаверишингиз мумкин...» дейишган эди...

Ўзбекистон кино санъати асосан 1925 йилдан бошлаб ривож эта бошлади. Бу — янги санъатни ўзлаштириш даври оғир ўтди. Бошқа жумҳуриятлардан таклиф этилган режиссёрлар, аввало пул кетидан қувдилар.

Жамоатчилик ҳамда кино мутахассислари томонидан танқидий мулоҳазалар билдирилмагани кино ҳамда унинг ходимлари ўсишига таъсир кўрсатди. Ўзбек киноси пайдо бўлганидан шу кунгача ўзимизнинг фильмларимиз ҳам, бошқа жумҳуриятлардан келтирилган кино асарлари ҳам жамоатчилик кўригига қўйилмади. Бегараз танқид кино санъатини ўзлаштираётган ёшларга жуда катта ёрдам бериши мумкин эди. Лекин, бахтга қарши, фабрикада ҳар ким ўз ҳолича иш қилади, тажриба алмашиш ҳақида ҳеч ким қайғурмайди. Ишда ошна-оғайнигарчилик ривож этди... Ўзингиз ўйлаб кўринг: «Қасам»ни киностудия ходимларига кўрсатмай, Москвага юбориш ғайри-табиий ҳол эмасми!»

Ўн бир йил давомида (яъни кино ширкати ташкил этилганидан бери — Ҳ. А.) илмий сафар бўлмади. Йирик санъаткорларнинг ижоди билан таниш имкони бўлмади. Ўқувнинг бошқа турлари ҳам бўлмади. Булар ҳам менинг ўсишимга таъсир этмай қолмади...

Режиссёр — драматург эмас. У сценарий ёза олиши шарт эмас. Мен сценарий ёзилишида иштирок этишимнинг бирдан бир сабаби шундаки, киностудияга ёрдам бергим келади. Кинодраматургларнинг йўқлиги — бинобарин сценарий танқислиги кино ишлаб чиқариш йўлидаги энг катта тўсиқдир... Мен ўзим интилган маҳорат чўққисига кўтарилганимча йўқ. Уни забт этиш қўлимдан келишини биламан... Қатъий ишонч билан айтаманки, мен миллатчи, аксилинқилобчи эмасман. Бўлмайман ҳам. Бошқалар мен ҳақимда бундай дейишига ҳам йўл қўймайман.

Кинематографияда ҲАЛОЛ, ВИЖДОНАН ИШЛАШ ИСТАГИНИ ҲЕЧ КИМ ҚАЙТАРА ОЛМАЙДИ. Бу йўлдаги фаолиятим давом этишига ишонаман. Кинематографиямизнинг ажойиб асарларини яратаман... Кинода ижод этадиган санъаткорларни тарбиялаш учун кўп иш қилишимга ишончим комил.

●

1939 ЙИЛ 21 АВГУСТ НАБИ ҒАНИЕВ ЁЗГАН ХАТИДАН:

Комиссиянинг фикрича, кино асарларининг партиявийлигига партбилет кўтарган кишини кўрсатиш билан эришиш мумкин эканда...

1939 й., ноябрь.

АЙБНОМА

Ғаниев Н. Аксилинқилобчи, миллатчиликни тарғиб қилган. Партия ва ҳукумат раҳбарлари ҳақида латифалар айтган... Унинг асарлари заминида аксилинқилобий ғоя ётади...

Иш Тошкент область судига оширилсин.

1936 йил 19 май.

●

НАБИ ҒАНИЕВ «СОАТ ВА ЮРАК» СЦЕНАРИЙСИ ҲАҚИДА

Киностудия бу йил «Соат ва юрак» сценарийси бўйича фильм яратмоқчи. Мени режиссёр этиб тайинлашган. Сценарийга жиддий эътирозим бор. Уни бу аҳволда қабул қила олмайман.

1. Сценарийда бойнинг қўш хотинлари ҳақида кўп гап боради. Лекин мазкур эпизодларда ҳеч қандай юк йўқ. Бойнинг биринчи хотини Шарофатдан ташқари бирортаси ўз хусусияти билан ажралиб турмайди. Улар шунчаки савлат тўкиб юради, холос. «Қўшхотинликни» аёлларнинг жисмоний ва руҳий азобланиши билан боғламоқчи бўлганлар. Таклифим: мазкур эпизодларни сценарийдан олиб ташлаш керак ёки бойнинг барча хотинларини бирма-бир тирик инсон сифатида, фикр юритадиган, ҳис-ҳаяжонини, орзу-умидини ифода эта оладиган аёллар сифатида таърифлаш керак.

2. Бойнинг хотинлари эксплуатация қилиниши, муаллиф фикрича, катта сўзана устида ишлаш жараёнида очилиши керак бўлган. Биринчидан, бу ҳол ҳақиқатга зиддир. Чунки инқилобдан кейин сўзана тўқишдан кўра уни сотиб олиш арзонроқ тушарди.

●

СЎНГГИ МАЪЛУМОТЛАР

1939 йил 15—19 декабрь кунлари область суди Ғаниев Набини оқлади ва озод этди.

1941 йил 7 май куни Ўз ССР Олий судининг жиноий ишлар бўйича суд коллегияси қарор қилди: Жиноий ишлар бўйича Тошкент область судининг 1939 йил 15—19 декабрь ҳукми бекор қилинсин,.. қўшимча тергов ишлари олиб борилсин...»

Энди тафтиш, тергов ишлари меҳмондорчилик, йиғинлар билан ҳам боғлиқ бўлди. 20-йилларда Наби ака қатнашган «Гап» қандай ўтгани ҳам ўрганила бошланди. Бу хусусда Олжерас қишлоғида истиқомат қилган Имомхон Ҳусанхўжаев берган маълумотларни келтирамиз:

ОЛЖЕРАС ҚИШЛОҒИ. ТЕРГОВ ПРОТОКОЛИДАН:

. . . . . .

ЖАВОБ: 1923—24 йиллар бўлса керак. «Гап» иштирокчиларидан бири Икромов Искандар (рассом) гапимизга «Ёш юрак» номини берайлик, деб таклиф киритди... Ҳеч қандай дастур бўлмаган. Ташкилот бўлмаган, унинг раҳбарлари ҳам.

САВОЛ: ...«Ёш юрак» ташкилотида Ғаниевнинг фаоллиги нималарда сезиларди?

ЖАВОБ: Унда актёрлик таланти бор эди. Бизни роса кулдирарди. Ҳажвий латифалар айтиб берарди. Чолғу чалар, қўшиқ айтарди...

●

ИСКАНДАР ИКРОМОВ СЎРОҚДА ҚИСМАН ҚУЙИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРНИ БЕРГАН:

. . . . . .

ЖАВОБ: Ғаниев билан «Гап»да учрашиб турардик.

САВОЛ: «Гап»нинг яна қандай аъзолари бор эди?

ЖАВОБ: «Гап»га асосан «Намуна» мактабининг ўқувчилари келарди. Мен ҳам Ғаниев билан ўша мактабда ўқир эдим. «Гап» аъзоларидан Ғафур Ғулом, Ойбек, Файзулла Хўжаев, Ғаниев Наби, Аюпов Аъзам, Абдулла Носирий, Убайдуллаев Файзулла, Раҳимбеков Саидбек, Азимов Одил, Хўжақориев Ғани, Наби Ғаниев билан 1924 йилни Москвада бирга кутиб олган эдик.

●

ФАРМОИИШ

«3» январь 1953 йил Ғаниев Набини иши бўйича тақиб этиш тўхтатилсин. Ҳужжатлар архивга топширилсин.

Орадан саккиз ой ўтди. Ўша 1953 йилнинг 29 октябрь куни маданиятимиз фахри Наби Ғанизода оламдан ўтди. У эндигина 49 ёшда эди.

ЭНДИГИНА 49 ЁШДА ЭДИ

«Тоҳир ва Зуҳра» фильмига режиссёр мўлжаллаган Зуҳра либоси.

Наби Ғаниев табиат бағрида ҳордиқда.

Суратлар архивдан олинди.

Саҳифани Ҳамидулла АКБАРОВ тайёрлади.

«КОБЕ» ЖИҲОЗИ ЁРДАМИДА

МАЪЛУМКИ, ишемия касалликлари сурункали бўлиб, бемор доимий равишда дори-дармонларни ичиш билан жон сақлайди. Аммо баъзан шундай ҳолатлар ҳам юз бериб турадики, дориларга тўйинган тана вақт ўтган сайин ҳар қандай дори-дармонларни қабул қилмай қўяди. Юрак эса хуруж қилишдан тўхтамайди. Хўш, бундай пайтда нима қилиш керак?

2-Тошкент Давлат тиббиёт олийгоҳида жойлашган кардиология илмий-тадқиқот илмгоҳида ана шу муаммони ечиш йўлида замонамизнинг энг сўнгги усулларидан бири қўлланилмоқда. Экстракорпорал деб аталувчи ушбу даволаш услуби Америка Қўшма Штатларида ишлаб чиқарилган «Кобе» жиҳози ёрдамида амалга оширилади. Ушбу қурилма бемор қонини тозалаш давомида танадаги шу пайтга қадар истеъмол қилинган дори қолдиқларини чиқариб ташлайди ва ундаги рецепторларни (дори-дармонларни қабул қилиб олувчи нуқталар) «таъмирлайди». Чиқинди сифатида чиқариб ташланган қон ўрни эса оқсил эритмаси ёрдамида тўлдирилади.

Экстракорпорал услуби қўлланилгач беморнинг аҳволи яхшиланиб, анча вақтгача ҳеч қандай дори-дармонга муҳтожлик сезмайди. Даволашнинг бу услуби Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош кардиологи, экстракорпорал бўлими бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори, профессор Хайрулла Ҳошимов бошчилигида икки йилдан буён амалга ошириб келиняпти.

Мажид РАҲИМОВ.

Дугоналар сирлашуви авжида. Андрей Пишненко сурати.

** Ихтиролар қандай яратилади?*

МУШУК ВА СЕЗУВЧАНЛИК

БУ воқеа ўтган асрда юз берган эди. Осойишта ёз оқшомларидан бирида табиатшунос Салтер шаҳар ташқарисидаги уйнинг айвонида ўтирган эди. У ўзини ёмон ҳис этарди. Қўллари ва оёқлари зирқираб оғрир, юраги ҳалқумига тиқилиб келаётгандек бўларди. У жаҳл билан тиззасида ухлаб ётган севимли мушугини ҳайдади.

Шу вақт бирдан унинг кўзига йиғи келди.

Салтер кўз ёшларини артиб, мушугини эркалатиб сийпалади. Шу пайт профессорнинг кўлида қип-қизил қаварақлар пайдо бўлди, кўзларидан яна ёш оқа бошлади. Нафаси бўғилди. Бадани шу қадар қичиб кетдики, аламидан терисини нақ шилиб олгундек бўлди.

— Ҳа, энди билдим, — деди профессор, — бу азобларнинг барчасини шу мушук туфайли тортаётган эканман!

Ҳозирги шифокорлар тили билан айтганда у аллергия касаллигига учраган экан. Кейинчалик профессор аллергия касаллигини қандай аниқлаш усулини ишлаб чиқди.

Аллергия — аслида юнонча аллос — «ёт» ва эрган «таъсир» сўзларидан ясалган бўлиб, «ёт таъсир» маъносини билдиради. Бошқача қилиб айтганда; аллергия организмнинг микроблар ёки ёт оқсиллар қайта таъсирига нисбатан сезувчанлиги ортишидир.

Акбар АЛИЕВ.

** «02»: ҳодисалар, хабарлар*

ТЕЗКОР ГУРУҲ—ҲАРАКАТДА

БУ сафар биз сўзамолликка интилмадик. Бўлган воқеаларни иложи борича содда тилда ва лўнда ифодалашга ҳаракат қилдик. Чунки тилга олинаётган ҳодисалар ортиқча таърифга муҳтож эмас.

Шундай қилиб, Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Турсунхон Худойберганов ва шу бошқарма таркибидаги жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи Шорахим Расуловлар раҳбарлигида ўтказилган икки тунлик кузатувлар қуйидагича:

Тунги соат 20 да шаҳримизнинг ўн битта районидан келган милиционерлар шаҳар автомобиль назорати инспекцияси олдидаги майдонда сафга турдилар. Улар шаҳар Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг муовини Турсунхон Худойберганов буйруғи билан гуруҳларга бўлинишди. Ҳар бир районга иккитадан замонавий алоқа воситалари билан таъминланган енгил автомашиналар, етарли автобуслар ажратилди. Майор Ш. Расулов томонидан топшириқлар олган тунги осойишталик посбонлари ўзларига ажратилган районлар ва ҳудудларга равона бўлдилар. Улар тун бўйи ўз ҳудудларидаги аҳвол ҳақида Марказ билан боғланиб турдилар. Марказда эса гуруҳларнинг тунги фаолиятини назорат этувчи майор Ш. Расулов бошлиқ тезкор гуруҳ ишлади.

— Марказ. Марказ. Куйбишев районининг Луначарский кўчасида автомобиль ҳалокати содир бўлди. Қурбонлар бор.

Рация орқали гуруҳлардан бири йўллаган бу хабар майор Ш. Расулов бошлиқ тезкор гуруҳни оёққа турғазди. Улар билан бирга воқеа содир бўлган жойга етиб борганимизда «ГАЗ—52» маркали 90—92 ТНЛ номерли автомашинани маст ҳолда бошқариб, уни дарахтга урган Игорь Александрович Яравинский қўлга олинган эди. Кабинада бўлган икки йўловчи ўша ондаёқ нобуд бўлибди.

Ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмаган И. А. Яравинскийнинг 1953 йилда туғилганлиги, Тошкент трактор заводи 2-кўчасининг 40-уй, 16-квартирасида яшаши аниқланди. У ичкиликбозлик туфайли машинани бошқара олмай, бахтсиз ҳодисага сабабкор бўлган, оқибатда кабинадаги Е. А. ва Е. В. лар нобуд бўлган. Ҳар иккиси ҳам 1952 йилда туғилган бу шахсларнинг яшаш жойлари, қандай қилиб мазкур автомашинага чиққанлиги терговда аниқланади.

Тун ярмидан оққанда шаҳар ички ишлар бошқармасининг ҳужжатсиз кишиларни қабул қилиш ва тақсимлаш бўлинмасига келдик. Милиция майори Марьям Петрович Кольтан бошлиқ бу бўлинмада 85 киши кун-тун навбат билан ишлайди. Темир панжаралар билан ажратилган кўргон хоналарида 400 ва ундан ортиқ тутқин бир ой сақланади. Шу давр ичида милиция ходимлари томонидан тутиб келтирилган ҳар кимсанинг шахси аниқланади. Паспорт олиши хусусида тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб берилади.

Бу ерга етиб келганимизда автобусдан тунги саёқлар туширилаётган экан.

— Ўртоқ бўлинма бошлиғи, — дея ахборот берди милиционер, — Фрунзе районидан 7 киши, Ленин районидан 3 киши, Собир Раҳимов районидан 4 киши ва Сергели районидан 2 киши жами бизнинг гуруҳга ажратилган ҳудудлардан 16 саёқни тутиб келтирдик.

— Навбатчилар хонасига олиб кириб, расмийлаштиринг, — буюрди бошлиқ М. П. Кольтан.

Бемаҳалда кўча кезиб юрувчи саёқлардан бирини суҳбатга тортдим. Ўзини Николай Николаевич Чёрних деб таништирган бу кимса 1991 йилда шу ерда 7 марта ётиб чиққан экан. Унинг шериги Виктор Павлович Вагонов эса 4 марта судланган. Охирги маротаба 1986 йилда қамалган, жазони 1990 йилда ўтаб чиққан. Ўшандан бери ҳужжати бўлмаганлиги учун ҳеч жойда ишламаган. Бу шахс ҳам қамоқдан озод бўлганидан буён бўлинмада 7 марта «меҳмон» бўлган. Ҳар гал келганида бир ойдан ётаверган. Бўлинма томонидан берилган ҳужжат бўйича паспорт олмаган. Чунки, аниқ турар жойга ва ишхонага эга эмас. Юриши кўча, ётиши темир йўл ёки автобус вокзали бўлган.

Бўлинма навбатчиси ҳайрон. Чунки эрталаб бўшатилган Анатолий Васильевич Шитников кечаси яна келтирилган эди. Нина Золотаревانинг бўлинма ҳибсхонасидан чиққанига ҳам ҳали кўп вақт ўтгани йўқ. Келтирилганлар орасида фақат 19 ёшли ўзини Наташа Вихрестюк деб таништирган қиз янги эди. Ҳеч қандай ҳужжатга эга бўлмаган бу қиз Ўзбекистонга қаердан, нима сабабдан келганлигини айтишни истамади. Начора, бўлинма ходимлари бир ой ичида унинг шахсини ва манзилини аниқлайди. Бунга шубҳа йўқ.

— Буларнинг барчаси ахлоқсизларча текинхўрлик билан ҳаёт кечирувчи кишилардир, — дейди шаҳар ИИБ жиноятчиликнинг олдини олиш хизмати бошқармаси бошлиғи, тезкор гуруҳ раҳбари Ш. Расулов. — Улар ҳеч қаерда ишламайдилар. «Кўчманчилик», саёқлик билан ҳаёт кечиради. Аксарияти собиқ СССРнинг бошқа минтақаларида касал орттириб келиб, Ўзбекистонда, хусусан Тошкент шаҳрида тери-таносил касалликларини бошқаларга юқтиради ёки тарқатади. Шунинг учун мазкур бўлинмамиз тиббиётчилари бу ерга келтирилганларни синчиклаб текширадилар. Заррача шубҳа туғдирилгани дарҳол шаҳримиздаги тери-таносил касалликлари шифохонасига олиб борилади.

Ундан ташқари, бундай тунги посбонлик тадбирларини ўтказишимиз туфайли ҳар хил ўғрилар, қидирилаётган жиноятчилар қўлга олинмоқда. Қорақамиш 2—4 ва Тансиқбоев даҳасида ўғрилик қилган, кўпдан бери қидирилаётган Анатолий Михайлович Дараган ходимларимиз томонидан бугунги тадбир жараёнида қўлга тушди. У дастлабки терговдаёқ қилмишларини тан олди.

1988 йилдан бери қидирилаётган Уроқ Ҳасановнинг шахси ҳам ана шу бўлинмамиз ҳибсхонасида аниқланди. У ўзини Камолов Рустам, Камолов Қилич деган исм-шарифларда атаб, жамоатчиликни алдаб юрган. Сурати, жазо муддатини ўтаб бўлишига 2,5 йил қолганлиги ҳақидаги далиллар олдида у ўзининг ҳақиқий башарасини фош этишга мажбур бўлди.

Тезкор гуруҳ автомашинасидаги радио орқали Марказ Ҳамза районида бир йўла икки жойда ўғрилик содир этилганлиги хусусида хабар берди. Районнинг 35-озиқ-овқат дўконига етиб борганимизда милиция сержанти Нурулла Жалилов ҳамда ички ишлар бўлимига ишга ўтишга чоғланган икки йигитнинг ҳушёр ва сезгирлиги туфайли ўғри жиноят устида қўлга олинган.

1974 йилда туғилган, чилонзорлик фуқаро М. И. дўкон омборидаги 2 та қулфнинг бирини арралаб, иккинчисини кесишга киришганида ушланди. Ўғрининг шеригини район ички ишлар бўлими жиноят қидирув бўлинмаси ходими Султон Мўминов бошлиқ изқуварлар орадан 20 минут ўтмаёқ тутиб олдилар.

1-сабзавот дўконига етиб борган С. Мўминов раҳбарлигидаги милиция ходимлари ўғрилик содир этганларнинг 5 киши эканликларини аниқладилар. Улардан бири, яъни П. Б. ушланди. 1953 йилда туғилган, ҳеч қаерда ишламайдиган П. Б. дастлаб шерикларини ошкор этишдан бош тортди. Кейинчалик тилга кирди...

Худойназар ҒОЙИБОВ.

ТУРК ТИЛИНИ—УЧ ОЙДА

БУ муддатда турк тилини яхши ўрганиб олишга шубҳа қиляпсизми? Туркиялик олимлар, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳамда Шарқшунослик олий илмгоҳи мутахассислари эса уч ой мобайнида турк тилини ўргатишга кафолат берадилар. Ўзбекистон «Билим» жамияти томонидан ташкил этилаётган бу уч ойлик курслардаги машғулотларни уларнинг ўзлари олиб борадилар. Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Уларни ўтказиш вақти ҳам сизга қулай бўлиши режаланган: иш кунлари соат 18 дан сўнг, шанба ва якшанбада эса гуруҳлар бўйича соат 9 дан 12 гача, 12 дан 15 гача ва 15 дан 18 гача.

Машғулотларда қатнашиш истагини билдирганлар 25 апрель куни соат 10 да Қодирий кўчасидаги 13-уйда жойлашган Тарғиботчилар уйига келишлари керак. Курслар мутасаддилари учинчи қават 88-хонада жойлашган. Маълумот учун телефонлар: 44-62-90, 44-52-75.

Курсни тугаллаганларга турк тилини эгаллаганликлари тўғрисида инглиз тилида диплом берилади. Ўқиш учун ойига 250 сўм тўланади. Уни нақд бериш ёки банк орқали ўтказиш мумкин.

** Спорт янгиликлари*

ШАХМАТ

ТОШКЕНТДА шахмат бўйича аёллар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги якунланди. Учта энг юқори ўрин тошкентлик спорт усталигига номзод шахматчиларга насиб этди. Рена Мамедова 1992 йилги Ўзбекистон чемпиони унвонини қўлга киритди. Лидия Малиничева кумуш нишон билан тақдирланди. Надежда Репрун бронза нишонининг соҳиби бўлди. Самарқандлик ёш шахматчи Мавжуда Ҳамроқулова эса тўртинчи поғонани эгаллади.

ДЗЮ-ДО

УРГАНЧ шаҳрида қунар-техника билим юртлари ва мактаб ўқувчиларининг 3-республика спартакиадаси дастуридан ўрин олган дзю-дочилар мусобақалари ниҳоясига етди. Уйда деворлар ҳам ёрдам беради, деганларидек команда ҳисобида биринчи ўрин урганчлик курашчиларга насиб этди. Иккинчи ва учинчи ўринларни Бухоро ва чирчиқлик дзюдочилар эгаллашди.

Қизлар ўртасида эса команда ҳисобида андижон спортчилари зафар қучишди. Бухороликлар иккинчи, фарғоналик қизлар учинчи бўлишди. Юқоридаги мусобақаларда пойтахт вакиллари иштирок этишмаган бўлишса-да, бироқ ҳамшаҳарларимиз умумий ҳисоб бўйича ҳамон олдиндалар.

Исак БИРБРАГЕР.

Редактор Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

МАБЛАҒ КЕРАКМИ?

ҲЕЧ ҚАНДАЙ МУАММОЛАР ЙЎҚ!

«Ўзбек Савдо уйи»

экспорт — импорт LTD фирмаси

СИЗЛАРНИ 1000 СУМЛИК 10.000 СУМЛИК АКЦИЯЛАР БИЛАН 50 000 СУМЛИК 100.000 СУМЛИК АКЦИЯЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАЙДИ

АКЦИЯЛАР

СОҲИБИНИНГ НОМИ КУРСАТИЛГАН, ИМТИЁЗЛИ НОМИНАЛ

1000 сўмлик

Ташкилотлар ва хусусий шахслар

БУНДАЙ АКЦИЯЛАРНИНГ СОҲИБЛАРИ БЎЛИШЛАРИ МУМКИН.

Акция соҳибларига молиявий йил якунларига кўра 20 фоизли курс бўйича қўшимча даромад кафолатланади.

Акцияларни сотиш, олиб сотиш ҳамда уни турли йўллар билан бошқалар ихтиёрига ўтказиш

«Ўзбек савдо уйи» фирмасининг розилиги билан ва фақат фирмада рўйхатдан ўтказилгандан сўнг амалга оширилади.

АКЦИЯЛАРНИНГ ҚИЙМАТИНИ ҚАЙТАРИШ:

Акциялар харид қилингандан сўнг ўтган бир йилдан кейин акцияларнинг соҳиби акцияларнинг тўла қийматини ва 20 фоизли курс бўйича қўшимча қийматни олиш ҳуқуқига эга бўлади.

СОҲИБИНИНГ НОМИ КУРСАТИЛГАН, ОДДИЙ НОМИНАЛ

50000 сўмлик

100000 сўмлик

Ташкилотлар ва хусусий шахслар

БУНДАЙ акцияларнинг соҳиблари бўлишлари мумкин

Молиявий йил якунларига кўра акция эгаларига фойданинг бир қисмини акциядан келган даромад сифатида олиш ҳуқуқи кафолатланади.

100 000 сўмлик номинал қийматга эга битта акция битта овоз бериш ҳуқуқини беради.

50 000 сўмлик номинал қийматга эса икки акциядан иборат пакет битта овоз бериш ҳуқуқини беради.

Акцияларни сотиш, олиб сотиш ҳамда уни турли йўллар билан бошқалар ихтиёрига ўтказиш

Фақатгина «Ўзбек савдо уйи» фирмасининг розилиги билан ва фирмада рўйхатдан ўтказилгандан сўнг амалга оширилади.

АКЦИЯЛАРНИНГ ҚИЙМАТИНИ ҚАЙТАРИШ:

Харид қилингандан сўнг ўтган бир йилдан кейин акцияларнинг соҳиби акцияларнинг тўла қийматини ҳамда акциядан келган даромадни олиш ҳуқуқига эга бўлади.

КУРСАТУВЧИГА БЕРИЛАДИГАН, БИРОҚ ЭГАСИНИНГ НОМИ КУРСАТИЛМАГАН, ОДДИЙ НОМИНАЛ

100 000 сўмлик

ташкилотлар ва хусусий шахслар

БУНДАЙ АКЦИЯЛАРНИНГ СОҲИБЛАРИ БЎЛИШЛАРИ МУМКИН

молиявий йил якунларига кўра акция эгаларига акциядан тушган фойдадан баҳраманд бўлиш ҳуқуқи кафолатланади.

Акцияларни сотиш, олиб сотиш ва турли хил йўллар билан бошқалар ихтиёрига ўтказиш

«Ўзбек савдо уйи» фирмасининг рухсатисиз амалга оширилади.

АКЦИЯЛАРНИНГ ҚИЙМАТИНИ ҚАЙТАРИШ:

Харид қилинганидан сўнг бир йил ўтгач акцияларнинг соҳиби акция қиймати ҳамда ундан тушган фойдани олиш ҳуқуқига эга бўлади.

АКЦИЯЛАРГА ЁЗИЛИШ

Опцион шартномалар тузиш орқали амалга оширилади.

Акцияларнинг 1 эмиссиясининг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг «Ўзбек савдо уйи» томонидан эълон қилинган муддатларда ўз вақтида қиймати қайтарилиб олинмаган бўлса акциялар ўз-ўзидан йилига 20 фоизли даромад тўланадиган имтиёзли облигациялар қаторига ўтади.

Акцияларнинг қийматини қайтаришда акциялар соҳибининг хоҳиши ва «Ўзбек савдо уйи» фирмасининг таклифига кўра пуллар сўм ҳисобида ёки товар маҳсулотлари билан тўланиши мумкин.

АКЦИЯЛАРНИ СОТИШ

Ўзбекистон саноат қурилиш банкининг бўлимлари, «Союзпечать» идоралари ҳамда «Ўзбек Савдо Уйи» тарқатувчилари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси, 700000. Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 24-уй.
Телефонлар: 35-37-90, 34-85-09, 34-64-79, 34-96-31. факс: 34-64-50
Телетайп: 116 384
Телекс: 116108 РТВ

ТИЖОРАТ ЖАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР



ТАШКИЛОТЛАР ВА ХУСУСИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА:

Москва ва Москва атрофидаги квартираларни, маъмурий биноларни, гаражлар ҳамда дала ҳовлиларни узоқ муддатга ижарага олишни хоҳловчилар учун сервис хизматларини ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Москвадаги телефонлар/095/475-20-40, 398-32-20, 571-35-72.

Маълумотлар олиш учун Тошкентдаги телефон 34-99-08.

АБРОР ҲИДОЯТОВ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИ

13, 20, 27 апрель соат 18.30 да

У. ГАЖИБЕКОВ АСАРИ.

Аршин Мол-Олон

2 пардали музикали комедия

Саҳналаштирувчи режиссер — Жумҳуриятда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотлари совриндори **Б. Т. ЙЎЛДОШЕВ.**

Рассомлар — Жумҳуриятда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Давлат ва Ҳамза номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари совриндори **Г. Р. БРИМ, А. БАТИКОВ, Б. ТУРАЕВ.**

БОШ РОЛДА — Тошкент вилояти Ленин комсомоли мукофоти совриндори Саида РАМЕТОВА.

ҚАТНАШАДИЛАР: Жумҳурият халқ артисти, Ҳамза номидаги жумҳурият Давлат мукофоти совриндорлари:

Тўйчи ОРИПОВ, Обид ЮНУСОВ.

Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артистлар: **Дилбар ИСМОИЛОВА, Ноила ТОШКЕНБОЕВА.**

Жумҳурият Ленин комсомоли мукофотининг совриндорлари: **Муножот ТЕШАБОЕВА, Ҳошим АРСЛОНОВ.**

АРТИСТЛАР: Элёр **НОСИРОВ**, Абзал **РАФИҚОВ**, Тожибой **НОРМАТОВ**, Дилбар **ҚОСИМОВА**, Гулбаҳор **РАҲИМОВА**, Жумайдулла **РАМЕТОВ**, Фарҳод **АБДУЛЛАЕВ**, Азиза **БЕГМАТОВА**, Ғайбулла **ЖУМАНОВ**, Абдухалил **МИГНАРОВ**, Муяссар **БЕРДИҚУЛОВА**, Маҳаммаджон **ТЕШАБОЕВ**, Шоҳида **УЗОҚОВА** ва бошқалар.

Театрнинг бош режиссёри: Жумҳуриятда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти совриндори **Б. Т. ЙЎЛДОШЕВ.**

Чипталар театр кассасида ҳар куни соат 10.00 дан 19.00 гача сотилади.

Жамоа бўлиб келиш учун аризалар қабул қилинади.

ШОШИЛИНЧ ЭЪЛОНЛАР ХИЗМАТИ ЙЎҚОЛГАН

115-ўрта мактаб томонидан М. М. Қосимов номига берилган 9-синфни тугатганлиги ҳақидаги № 351577 рақамли гувоҳнома

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик вазирлиги тасарруфидаги колхоз ва совхозлар тарихи институти жамоаси институт масъул ходими И. Исломовга падари бузруквори **Исроил ИСЛОМОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент кимё-технология олий билимгоҳи раҳбарияти ва касаба уюшмаси шу билимгоҳ доценти **Рауф УСМОНОВнинг** вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.



МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Тошкент оқшоми

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000. ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76, хатлар — 33-29-70, 32-53-79; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича — 33-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, ГСП, Тошкент, «Правда» рўзномаси кўчаси, 41.

© 34.624 нусхада чоп этилади. © Нашр кўрсаткичи 64690 © Босмага берилди: 12.00 Босмага бериш вақти 11:30; © Буюртма № Г—76 © 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10;